Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 9-aprel, chorshanba | № 28 (7533)

Da'vat

Amir Temur ma'naviyati va shijoati, adolatparvar siyosati yuksak ibrat namunasi bo'lib qolg'usidir.

Islom KARIMOV

Ibrat

Yakkabog'lik tadbirkor Eshquvvat Ashurov 27 nafar kam ta'minlangan oila farzandlarining sunnat to'yini o'tkazib, bu bolalarning har biri nomiga bankda hisob raqami ochdi hamda uch ming so'mdan mablag' qo'ydi.

9-aprel — Sohibqiron bobomiz Amir Temur tavallud topgan kun

АДОЛАТ СОҲИБИ

Турондан кўплаб заковатли улуғ сиймолар етишиб чиққан. Ана шу улуғлар қаторида Амир Темурнинг номи ҳам тарих саҳифаларида мангуликка муҳрланган.

Нуфузли ва ўкимишли хонадонда вояга етган Темурнинг онаси ўз ўғлининг тарбиясига катта эътибор билан қаради. Отаси Муҳаммад Тарағай фарзандининг келажагини ўйлаб, унинг ҳаёт сабоқларини мукаммал эгаллаши учун ҳаракат қилади. Оллоҳ иньом этган ақл-заковат, истеъдод, қобилият, куч-қувват каби сифатларни ўғлида кўрган Муҳаммад Тарағай уни янада саводли, билимдон, ўкимишли қилиб тарбиялашга интилади. Шу боисдан Темурбекни етти ёшида мадрасага берадилар. Амир Темур ўта тиришқоқлиги, қобилиятининг кучлилиги, дарсларни қунт билан бекаму кўст ўзлаштириб бориши ва ниҳоят интизомлилиги билан кескин ажралиб туради. У мадрасанинг бошланғич таҳсилида Қурьони Каримни пухта ўзлаштириб олади. Шу тарика мадраса таълимини олган Темур катта ижтимоий-сиёсий ҳаётга кириб келади.

Ундаги маънавий камолот Ватанга бўлган садоқатида намоён бўлади. У Ватан озодлигига эришиш учун оғир ва мураккаб йўлни танлади. Бу йўлда у бир қанча ҳарбий ва сиёсий вазиятларга дуч келди, изтироблар чекди, бироқ чекинмади. Бунда Темурга унинг донолиги, тафаккури, эътиқоди, билимдонлиги ёрдам берди.

Буларнинг барчаси Амир Темурдек атоқли тарихий шахснинг тарбияси мустаҳкам, таълими эса мукаммал бўлганлигидан далолатдир.

Дунёни мўғул босқинчилари истилосидан сақлаб, Европа давлатларининг буюк тараққиёт йўлига кириб боришига замин яратган Амир Темур инсоният тарихидаги буюк шахслардан бири. Унинг темурийлар давлатининг асосчиси ва йирик давлат арбоби сифатида кўрсатган хизматлари беқиёсдир.

Амир Темурнинг ҳарбий таълим соҳасидаги маҳорати кўпгина тарихий тадқиқотларда эътироф этилган. Бу ҳақда махсус асарлар ҳам ёзилган. Ҳарбий юришлари натижасида Амир Темур буюк салтанатни, барпо этди. Темур улкан зафарларга ҳарбий таълимни чуқур эгаллаган, ҳар томонлама чиниққан, мунтазам тартиб билан жангга кирувчи, интизоми мустаҳкам бўлган армияси туфайли эришди. Амир Темурнинг ҳарбий соҳада олиб борган тарбиявий ишларидан ибрат олса арзийди.

Тарихий манбаларда таъкидланишича, соҳибқирон ўз ўғли Шоҳрух Мирзони, суюкли набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзоларни бевосита Бибихоним тарбиясига топширган. Бибихоним доно ва оқила аёл эди. У илм- маърифатга, таълим ва тарбияга эътибор ила қарар, толиби илмларга ҳомийлик қиларди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ғолибона юришлари, олиб борган адолатли сиёсати, давлат ишлари ҳамда чет мамлакатлар билан ўрнатилган дипломатик муносабатлари туфайли у тарқоқ халқларни бир туг остига бирлаштира олди, дунёга машҳур сиёсатчи ва давлат арбоби сифатида танилди. «Куч —адолатда!» шиори остида курашган Амир Темур оқилона сиёсат юритди.

Амир Темур давлатни идора қилишда салтанат, хазина,сипоҳ ва раиятдан иборат тўрт муҳим омилга таяниш лозимлигини таъкидлайди. Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, машварат ва тадбир билан, қолган бир улушини эса қилич билан бошқарган соҳибқирон қонун устуворлигига ҳам алоҳида эътибор қаратган. «Темур тузуклари»дан англашилишича, қонун барчага — вазир учун ҳам, амир ва ҳоким учун ҳам баробар бўлган. Темур оддий халқни ҳимоя қилишни ҳам қонун билан мустаҳкамлаган. Нафақат ўз халқини, балки забт этилган ўлкаларнинг халқини ҳам имкон даражасида қонун ҳимоясига олган.

Қонун, тартиб-қоидаларнинг устуворлиги кўп жиҳатдан халқнинг уни тушунишига, унга риоя қилишига боғлиқ. Бунинг учун соҳибқирон халқ орасида илм-зиё тарқатиш, шариат ақидалари ва ислом динининг асосларини ўргатишга ҳам аҳамият берган.

Амир Темур ўзини дипломат сифатида ҳам намоён қила олган. У Византия, Венеция, Генуя, Испания, Франция, Англия каби давлатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини ривожлантирди. Тил, дин ва миллатларнинг ҳар хиллиги Соҳибқироннинг Европа мамлакатлари билан дипломатик, савдо-сотиқ муносабатларини ўрнатиш ишига халақит бермади.

Амир Темурнинг олиб борган ишлари, юргизган сиёсати адолатга асосланади. Шундай экан, уни «адолат соҳиби» дея аташга тўла ҳақлимиз.

Дурдона РАСУЛМУҲАММЕДОВА,
ТДЮИ катта ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди

ҚАДИМ ХОРАЗМДА БАЙРАМ НАФАСИ





Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши соғлигимизга боғлиқ.

А.Шопенгауэр

Бугун соғлом авлод тарбиясига, соғлом келажакка эришишга мамлакатимизда алоҳида эътибор берилмоқда. Дарахтнинг ниҳоллигидан яхшилаб парваришлаб, унга ғамхўрлик қилинса, у эртага кутилган мевани, ҳосилни бериши шубҳасиз. Шу маънода Президентимизнинг ўтган йилнинг октябрида эълон қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ҳам фарзандларимиз учун улкан бир совға бўлди. Боиси, унга мувофиқ чекка-чекка туманларда ҳам болалар спортини ривожлантириш жамғармалари тузилди ва спортни оммалаштириш ишлари бошлаб юборилди. Жисмоний тарбия дарсларини мактаб ҳовлисида ўтказаётган ўқувчиларга стадионлар қуриб берилмоқда, қиш кунлари тепадан тушаётган чакка остидаги бинода спорт билан шуғулланишлар ёруғ ва кенг залларга кўчирилмоқда.

Давоми 3-бетда

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

TAQDIMOT

Yaqinda o'zbek, rus va ingliz tillarida chop etilgan "Islom Karimov O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti" deb nomlangan albomning Alisher Navoiy nomidagi Samarqand Davlat universitetida bo'lib o'tgan taqdimot marosimida so'zga chiqqan notiqlar ushbu kitob mustaqillik yillarining o'ziga xos solnomasi ekanligini ta'kidlashdi.

OLIY MAJLISDA

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Yoshlar ishlari qo'mitasining navbatdagi yig'ilishida ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining o'n birinchi sessiyasi kun tartibiga kiritilishi mo'ljallanayotgan masalalar ko'rib chiqilib, ma'qullandi va unda "Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar to'g'risidagi" hamda "Odamning immunitet tanqisligi virusi bilan kasallanishning (OIV kasalligining) oldini olish to'g'risida"gi qonunlarning Samarqand viloyatidagi ijrosi muhokama etildi.

(Давоми 2-бетда)

2002-2003-o'quv yili — Xalq ta'limi tizimi muassasalarida metodik xizmat ko'rsatishni takomillashtirish o'quv yili

ЎҚИТУВЧИГА УСЛУБИЙ ЁРДАМ КЎРСАТАЯПСИЗМИ?

Мактабда муаллимлар ўтаётган дарсларни таҳлил қилиш таълим тизимининг ажралмас узвий бўлагидир. Ўқитувчи фаолиятига баҳо беришда, энг аввало, унинг дарсни қай усулда ташкил этиши инобатга олинади. Дарсни кузатувчилар — инспекторлар, услубчилар, мактаб раҳбарлари, ҳамкасблар, талабалар, илмий муассаса ходимлари, дарслик муаллифлари, ота-оналар ўзларини қизиқтирган соҳалар бўйича дарсларни таҳлил қилиб, ўзларига тегишли хулоса чиқарадилар. Таҳлил қилувчилар турли соҳа мутахассислари бўлса ҳам мақсад битта — ўқитувчи тажрибасини ўрганиш ёки унга услубий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Кейинги йилларда таълим соҳасида ислоҳотлар жорий этилгач, муаллим фаолиятига баҳо бериш мезонлари ўзгарди. Ўқитувчига эса "қайси янги педагогик технологиялардан фойдаланишни режалаштирган эдингизу, қайсиларидан фойдаландингиз? Ноанъанавий ўқитиш усулларига муносабатингиз қандай", — деган саволларни бериш одат тусига кириб бормоқда. Баъзи ўқитувчилар саволларга ижобий жавоб берса-да, айримлари елка қисишдан нарига ўтолмайдилар.

Аввало, ўқитувчидан янгиликни талаб қилишдан олдин, унинг ўзини янгилик билан қуроллантириш керак. Худди шу ҳақда ўтган йилнинг 29-30 май кунлари "Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш истиқболлари" мавзусидаги республика ўқув семинарининг тавсиялари таълим соҳасининг қуйи бўғинидан то юқори бўғинигача йўналишда хизмат қилаётганлар учун дастуриламал вазифасини бажаради ва у энг кераклі пайтда ишлаб чиқилган ҳужжат-қўлланмадир ("Маърифат" 2002 йил, 10 июль, 53-сон). Тавсияномада берилган ўн бир йўналишни таълим соҳасининг барча бўлимларида ўрганиб чиқиш, нима учун 2002-2003 ўқув йилини "Халқ таълими тизими муассасаларида методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ўқув йили" деб эълон қилинишининг моҳиятини очиб беради.

Синфга кирган ҳар бир муаллим ўз олдига болаларга бирор янги нарсани тушунтираман, деган мақсадни қўяди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури натижаси ўлароқ янги дарсликлар яратилди. Улар Давлат таълим стандартлари талабларини ўзида мужассамлаштирган. Демак, нимани ўқитиш маълум, энди қандай ўқитиш, дарсликда берилган мавзуларни қай усулда ўқувчилар онгига чуқур сингдириш масаласини ечишимиз керак. Тавсияномадан келиб чиқадиган биринчи зарурат таълим муассасалари жамоаларида методик хизмат кўрсатишга эҳтиёжнинг катталиги бўлса, иккинчиси аввалгисининг узвий давоми бўлиб, ҳар бир ўқувчига давлат таълим стандартлари талаблари даражасида билим беришга эришишдир.

(Давоми 4-бетда)

SUN'IY O'RMONLAR YARATILADIMI?

Amerikalik olimlar havoni zararli gazlardan tozalash maqsadida sun'iy o'rmonlar yaratishni rejalashtirganlar. Mutaxassislarning fikricha, bunday o'rmonlarda yaratilgan daraxtlar karbonad angidrid yutadi, lekin kislorod ajratmaydi. Bir sun'iy daraxt yiliga havoni 90 ming tonna zararli gazdan tozalashi mumkin ekan.

TARIX TILGA KIRGANDA...

Patologanatomlar, ruhshunoslar, kriminalistlardan tuzilgan guruh mashhur sarkarda Yuliy Sezar o'limini zamonaviy usullarda tahlil qilib, o'rganib chiqishdi. Tekshiruv natijalariga ko'ra, Tsezar senatorlar guruhi tomonidan suiqasd uyushtirilishini avvaldan sezgan, aniq va kuchli zarbadan halok bo'lgan.

TELEVIZOR KO'RIB... SEMIRING

Garvard universiteti olimlari 6 ming nafar turli yoshda odamlar orasida tadqiqot olib bordilar. Ma'lum bo'lishicha, bir kecha-kunduzda 3 soatdan ortiq televizor tomosha qilish inson vaznining oshishiga olib kelarkan. Ayniqsa, 18 yoshdan 26 yoshgacha bo'lganlar orasida bu jarayon yanada jadallashar ekan.

OG'U O'RNIGA VITAMIN

Yaponiyaning "Osiro" kompaniyasi mutaxassislari tamakidagi zararli moddalarni keskin kamaytiradigan malham yaratishdi. U o'pkaga so'rilayotgan nikotin og'usini "V" vitaminlari guruhiga kiruvchi nikotin kislotasiga aylantiradi. Buning uchun sigareta filtri yaratilgan mazkur kukunga botirib olinsa, kifoya, 80 foiz nikotin sog'liq uchun foydali darmon doriga aylanadi.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТАНДА:

БЕРУНИЙ АСАРЛАРИДА ФИЗИКА 4-бет

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ БУЮК МУТАФАККИРИ 5-бет

САНЪАТ СОҲАСИНИНГ ТАНТАНАСИ 6-бет

ЙЎЛДАН ТОПИЛГАН ПУЛ (voqeiy hikoya) 8-бет

O'quv dasturlarida multimediadan foydalanish kompyuterlarning analitik imkoniyatlarini o'rgatilayotgan fan mavzularining har tomonlama mazmunli va obrazli qilib tasvirlash imkoniyati bilan to'ldiradi.

Ayrim yo'nalishlarda tayyor o'quv manbalari yo'q. Ammo buning chorasi sifatida 230 xildagi elektron darsliklar mavjud, yana 113 nomdagi shunday shakldagi manbalar yaratish rejalashtirilgan.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

ZO'RLAR G'OLIB BO'LISHDI

Termiz shahrida ikki kun davom etgan, dunyoning yigirmaga yaqin mamlakatidan kelgan ikki yuz polvon bellashgan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti sovrini uchun o'zbek kurashi bo'yicha buyuk mutafakkir Al-Hakim at-Termiziy xotirasiga bag'ishlangan an'anaviy xalqaro turnirda surxondaryolik Suhrob Do'stov, qashqadaryolik Isoq Ahmedov, braziliyalik Karlos Xonarato, toshkentlik Kamol Murodov o'z vazn toifalari bo'yicha turnir g'olibi bo'lishgan bo'lsa, mutlaq g'oliblik uchun bo'lgan qiziqarli bellashuvda yurtdoshimiz Abdulla Tangrievning turkiyalik Salim Tatar o'g'li bilan bo'lgan murosasiz kurashda qo'li baland kelib, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti sovrini - "Neksiya" avtomashinasiga sazovor bo'ldi.

BOJXONACHILAR SEMINARI

Toshkent shahridagi "Evropa uyi"da Evropa Ittifoqi mamlakatlarida bojxona xizmatini tashkil etish va amalga oshirish bo'yicha bo'lib o'tgan ikki kunlik seminarda ichki bozorni rivojlantirishga ko'maklashish, mamlakat ichkarisidagi bojxona amaliyotlarini soddalashtirish va umumiy iqtisodiy o'sish va aholi farovonligini oshirishga xizmat qiluvchi yangi nazorat mexanizmlarini ishlab chiqishga qaratilgan bojxona siyosati masalalari muhokama etildi.

"UYCHIQISHLOQMASHNING" VELOSIPEDI

Namangan viloyatidagi "Uychiqishloqmash" aktsionerlik jamiyati tomonidan ishlab chiqarila boshlagan "Vodiy" velosipedi nafaqat kichkintoylar quvonchiga sabab bo'lmoqda, balki aholining keng qatlami uchun eng arzon va qulay transport turi sifatida qadrlanmoqda.

Milliy istiqlol g'oyasi

ЭНГ ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ

Миллий истиқлол ғоясини ёшлар қалби ва онгига сингдиришда ва жамиятнинг барча жабҳаларини қамраб олишда, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усулларидан фойдаланилмоқда. Бу ҳол, таълим тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун олиб борилаётган ҳаракатларда яққол намоён бўлмоқда.

Ахборот технологияларининг охирги йиллардаги тез ривожланиши бизга янги ва ноёб бўлган имкониятни, яъни, ўқув жараёнларида электрон дарсликлар ва мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланиш имкониятларини бермоқда.

Ўқув дастурларида мультимедиадан фойдаланиш компьютерларнинг аналитик имкониятларини ўргатилаётган фан мавзуларининг ҳар томонлама мазмунли ва образли қилиб тасвирлаш имконияти билан тўлдиради.

Маълумки, ўқувчи биринчи марта эшитган ахборотининг фақатгина чорак қисмини ўзлаштиради. Агарда ўқувчининг ўқув жараёнида интерактив мультимедиа технологияси ёрдамида фаол иштироки таъминланса, у ҳолда янги мавзуни ўзлаштириш 75 фоизни ташкил этиши мумкин. Интерактив мультимедиа ўқувчига катта эмоционал —эстетик таъсир кўрсатиши сабабли мультимедиа дастурлари сифатига катта талаблар қўйилиши лозим, чунки эстетик жиҳатдан суст бўлган мультимедиа маҳсулоти ўқув жараёнининг самарасини камайтиради ва баъзи ҳолларда салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Ижодий ва таъсирчанлик нуқтаи назаридан мультимедиани янги санъат тури деб ҳисоблаш, шунингдек, мультимедиа санъати назарияси ва мультимедиа педагогикасини яратиш лозим.

Жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" китобининг жаҳон андозалари асосидаги электрон нусхаси яратилди.

Бу ижодий ишнинг юксак эстетик дид билан яратилганлиги эътиборлидир.

Техника тараққиёти даврида ҳар бир ўқувчи янги техника воситаларидан фойдаланган ҳолда шу китоб устида мустақил ишлаш имкониятига эга бўлишини таъкидлаш лозим.

Ушбу электрон дарсликда ўқитувчи ва ўқувчилар учун миллий истиқлол ғояси фанини ўрганиш бўйича барча назарий ва услубий тавсиялар берилган. Ўқувчига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда электрон китобнинг услубий қўлланмалар бўлими орқали олган назарий билимлари ва уларнинг бугунги кундаги амалиёти билан бадиий расмларда ва видеофильмларда бир пайтнинг ўзида танишиб бориши, унинг дунёқарашида катта ўзгариш ясайди ва маълум мавзу бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлайди.

Энг асосий жиҳати эса, ушбу жараёнда, жаҳон андозалари асосидаги техника воситаларидан фойдаланиб, устозлар билан биргаликда дастурлар яратаётган лицей ўқувчи-ёшларининг иштирокидир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, бугунги улкан техникавий имкониятлар шароитида, мультимедиа-компьютер технологияси орқали миллий истиқлол ғоясини ўқувчи-ёшлар онгига сингдириш энг қулай ва самарали йўлдир.

Шу билан бирга, янги замонавий техник воситалар етарли бўлмаган жойларда, "Миллий истиқлол ғояси" фанини ўтишда ва миллий истиқлол ғоясини ўқувчи-ёшлар онгига сингдиришнинг бошқа мақсадга мувофиқ йўлларини излашга тўғри келади.

Миллий истиқлол ғоясини ўқувчи-ёшлар онгига сингдиришдек маъсулиятли долзарб масала бугун ўқитувчидан катта меҳнат, ижодкорлик ва фидоийликни талаб этади. Шу билан бирга, чет эл тажрибаларидан ҳам фойдаланиш давр талабидир.

Бугунги кунда бизнинг ўқув юртимиз Британия Кенгаши билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Шу Кенгаш ҳамкорлигида 2001 йилнинг март ойида Лондондаги Брунелл университетининг профессорлари жаноб Дигби ва Боблар лицейимизда бўлиб, ўқитишнинг янги усуллари тўғрисида ўқитувчиларимиз билан фикр алмашдилар. Жумладан, улар ўзларининг биз учун эътиборли бўлган ажойиб фикрларини илгари сурдилар. Бунга кўра:

1.Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчини кўпроқ мустақил ўқишга жалб этади.

2.Ўқитувчи дарсда ҳар бир ўқувчини шу мавзуни ўрганиш учун етарли бўлган турли хилдаги адабиётлар билан таъминлайди.

3.Ўқувчи мавзуни ўрганаётган вақтда, унга ўқитувчи томонидан шу мавзунинг назарияси берилмайди, чунки ўқувчи мавзуни танқидий ўрганиш ва муҳокама қилиш жараёнида ушбу мавзунинг назариясига ўзи мустақил равишда келади.

4.Ўқитувчи ўрганилаётган мавзуни дарс охирида хулоса билан якунламайди, агар мавзу дарс охирида ўқитувчи томонидан хулоса қилинса, унда ўқувчининг мавзуни ўрганиш фаолияти тўхтайди, агар мавзу хулосаланмаса, ўқувчи доимо шу мавзу тўғрисида фикр юритади ва изланади. Бу эса, ўқувчини мустақил танқидий фикрлашга, мустақил хулосалар чиқаришга ўргатади.

Чет эллик ҳамкасбларимизнинг юқоридаги фикрлари диққатга сазовордир. Биз мутахассис сифатида миллий истиқлол ғоясини ўқувчи-ёшлар онгига сингдиришда, ушбу таълим усулидан фойдаланишни тавсия этамиз, чунки бизнинг ҳозирги ёшларимиз истиқлол йилларида улғаймоқда, ҳаётимиздаги буюк ўзгаришларнинг шоҳиди бўлмоқда, натижада уларнинг, мустақиллик ва бугунги фаровон ҳаёт тўғрисида мустақил фикрлари шаклланмоқда. Ўқувчи-ёшларимизнинг миллий истиқлол мафкураси соҳасидаги фикрларини янада бойитиш, мустақил ишлашга, танқидий фикрлашга ўргатишга уларни ўтмиш алломаларимиз ва Президентимиз асарларини чуқурроқ ўрганишга жалб этиш, қиёфаси кун сайин ўзгариб бораётган шаҳарларга ва музейларга саёҳатлар уюштириш, минтақамизда ва дунёда содир бўлаётган воқеалар билан она Ватанимиздаги фаровонликни қиёслаб бориш орқали эришиш мумкин. Бу эса ёшларимизнинг миллий истиқлол тўғрисидаги тасаввурларини янада кенгайтиради, уларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялайди.

Ф.САИДОВ,
физика-математика фанлари номзоди,
Б.САТТОРОВ,
олий тоифали ўқитувчи

ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Навоий вилоят ҳокимлиги "Маънавият ва маърифат" маркази, Навоий вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Навбаҳор туман халқ таълими бўлими, "Камолот" ЁИҲ вилоят Кенгаши ҳамкорлигида Буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 667 йиллиги муносабати билан "Амир Темур меросини ўрганамиз" мавзусига бағишланган илмий-амалий анжуман Навбаҳор туманидаги Амир Темур номидаги 21- мактабда ўтказилди. Анжуманни туман ҳокими, Олий мажлис депутати Ғулом Облоқулов олиб борди. Шундан сўнг, вилоят "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари профессор С.Иноятовнинг "Амир Темур меросини ўрганамиз"; 21-мактаб директори С.Алиқулованинг "Миллатимиз бой меросини ўрганиш вазифамиз бўлмоғи керак", вилоят педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори А.Бобомуродованинг "Амир Темур ва темурийларга эҳтиром" мавзуларидаги маърузаси тингланди. Шу куни, педагогларнинг янги педагогик технология асосида ташкил этган "Соҳибқирон бобомиз ҳаётини ўрганамиз", "Амир Темур бобомизнинг ёшлик йиллари", "Мамлакат ободончилиги йўлида АмирТемурнинг олиб борган ишлари", "Ўзбекистон — ватаним маним", "Кўҳна дунё каби яшар соҳибқироним" мавзулари бўйича очиқ дарслар ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари ва меҳмонлар иштирокида ўтказилди. Амир Темурнинг кўҳна "Карвана", "Ижент", "Сармиш", "Дабусия қалъаси", "Хўжа Дегароний", "Маликработ" каби қадимий ёдгорликларнинг бизгача етиб келишидаги хизматлари таъкидлаб ўтилди.

Ўткир ПЎЛАТ

ҚИЗИҚАРЛИ ВА ЖОЗИБАЛИ БЕЛЛАШУВ

Yil o'qituvchisi — 2003

Яқинда Юнусобод туманида ўтказилган "Йил ўқитувчиси — 2003" кўрик-танлови барча-барчага ҳаяжон ва завқ бағишлади. Унда илғор ўқитувчилар билимли, услубият жиҳатидан маҳоратли эканликларини амалда кўрсатиш билан бирга санъат соҳасидаги иқтидорларини ҳам намоён қилдилар.

Танлов ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, барча шартларни мукаммал бажарган, уч тилда бийрон сўзлаб, жозибали қўшиқлар ижро эта олган 17-мактаб ўқитувчиси Гулнора Зайниддинова биринчи ўринга муносиб, деб топилди. Шунингдек, совринли ўринларни эгаллаган 265-мактаб тарих ўқитувчиси Гулноза Алиакбарова, 9-мактаб математика ўқитувчиси Гавҳар Исмоқлова, 246-мактаб физика ўқитувчиси Ирина Веденееваларнинг чиқишлари ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Айниқса, Ирина Веденеева атлас кўйлак, пешбанд, дўппида саҳнага чиқиб, ўзбекча қўшиқ куйлаши билан, Лайло Курбонова эса ўзи тиккан либосларни намойиш қилиши, гўзал рақси билан, Гулноза Алиакбарова Ал Бухорий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Нодира сиймосидаги ўқувчилари, Шаҳло Миркурбонова ҳозиржавоблиги туфайли юқори балл тўпладилар.

—Бугунги кўрик-танлов анъанага айланган байрам, аммо иштирокчилар учун катта меҳнат, тинимсиз изланиш талаб этувчи тадбирдир, — дейди Юнусобод ТХТБ мудири Масъуда Одилова. — Оналар учун ҳамма фарзанди баробар бўлгани каби мен учун ҳам бугунги танловда қатнашган қизларим —барча иштирокчилар ғолиб, иқтидорли, жозибалидир.

Қизиқарли ва жозибали ўтган танлов сўнгида барча иштирокчиларга "Фахрий ёрлиқ" ва пул мукофотлари топширилди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Маърифат" мухбири

Anjuman

ТЎРТ ЙИЛЛИК ТАҲЛИЛ

Тошкент архитектура қурилиши институтида бўлиб ўтган матбуот анжуманида 1998-2002 йиллар мобайнида яратилган ўқув адабиётлари таҳлил қилинди. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти директори ўринбосари Қодиржон Рўзиевнинг ахборотидан анжуманга йиғилган матбуот ходимлари керакли маълумотларни олишди.

— Олий таълим серқирра, ихтисосликлар жуда кўп. Уларни дарсликларнинг янги авлоди билан таъминлашда уч томонлама шартномага амал қилинди: Муаллиф, олий ўқув юрти, вазирлик. Шартномадаги шахснинг биринчиси — муаллиф ДТС асосида дарслик, қўлланма ёзади. Иккинчиси — олий ўқув юрти унга шарт-шароит яратиб беради. Учинчиси — вазирлик адабиётни чоп этиш чора-тадбирларини кўради. Шу тариқа тузилган шартномаларга мувофиқ, 1998 йилдан бери 3400 дан зиёд турли ихтисослик ва мутахассисликлар бўйича адабиётлар яратилди, — деди у анжуманда.

Аммо бунинг чораси сифатида 230 хилдаги электрон дарсликлар мавжуд, яна 113 номдаги шундай шаклдаги манбалар яратиш режалаштирилган.

Матбуот анжуманида республика оммавий ахборот воситалари вакиллари ОТМ масъул шахслари, шунингдек, ОЎММММИ мутахассисларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди, қониқарли жавоблар олишди.

Табиийки, дарсликлар бирдан кўпаймади ва уларни яратиш ҳам осон кечмади. Лекин шу нарса аниқки, бугунги кунга келиб, олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида замон тақозосига кўра очилган ихтисосликлар бўйича фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар вужудга келди. Айрим йўналишларда тайёр ўқув манбалари йўқ.

Мухбиримиз

САХОВАТ

Ibratli ish

Ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларга қўлдан келганча ёрдам бериш, уларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиб, кўнгил сўраб туриш ўзбек халқининг азалий одати. "Обод маҳалла" йилида миллатимизнинг ушбу умрбоқий анъанасига янада кўпроқ эътибор берилмоқда. Куни кеча Сирдарё вилояти, Меҳнатобод туманида ўтказилган кам таъминланган оилалар фарзандлари, етим болаларга берилган моддий мурувват ёрдами тақдимоти маросими ҳам бунинг яққол кўринишидир. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси, Сирдарё вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари Сирдарё вилоят Кенгаши ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмиталари томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда кам таъминланган оилалар фарзандлари ва етим болаларнинг 151 нафарига салкам 3 миллион сўмлик кийим-бошлар совға қилинди. Шу билан биргаликда улар учун маданий тадбир уюштирилиб, бир пиёла чойга таклиф қилинди. Туман бадиий ҳаваскорларининг шўх-шодон қўшиқларию жозибали рақслари бу ерга йиғилган барча болажонларнинг юзларига табассум бағишлади.

Педагогик ходимларни, ўқувчи-ёшларни келажакка муносиб тайёрлаш учун маънавий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг вазифаси эканлигини чуқур англаган ҳолда бугунги воқеа ҳам "Обод маҳалла" йилида режага киритилган тадбирлардан биридир. Йиғилишда сўзга чиққан Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари К. Оқбўтаев, вилоят "Маҳалла" жамғармаси раиси Р. Абдураҳмонов, ВХТББ бошлиғи С. Ғуломова, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси З. Қодиров, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Н. Акбаровлар келажак авлодга қаратилаётган бугунги эътибор бесамар бўлмаслигини ва тинч-осойишта Ўзбекистонимизнинг эртаси шу фарзандлар қўлида эканлигини таъкидлашди.

Назокат ХОЛМЕТОВА

МАҲАЛЛА ВА МАКТАБ

Ҳамза тумани халқ таълими бўлими турар-жойларда ишловчи педагог ташкилотчилар ташаббуси билан "Обод маҳалла йили"га бағишлаб "Маҳалла болалари" мавзусида кўрик-танлов ўтказди.

Кўрик-танлов тумандаги ҳар бир маҳалла ва мактабларда ўтказилди. Танловда маҳалла фаоллари ўқувчилар билан баробар қатнашдилар ва ҳар бир чиқишлари билан маҳалласига бўлган меҳр-муҳаббатини ифодалашга ҳаракат қилдилар.

"Маҳалла болалари" тадбирида ҳар бир иштирокчи ҳомийлар томонидан совғалар билан мукофотландилар. Танловда Бинокор маҳалласи ҳамда 206-мактаб фахрли ўринни эгаллаб шаҳар миқёсидаги танловда иштирок этиш бахтига муяссар бўлди.

Туман, шаҳар миқёсида ташкил этилиб, ўтказилаётган бундай тадбирлар ўз самарасини албатта топади.

* * *

Ҳамза туманидаги 215-мактабда "Сен муқаддассан аёл" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда 215,206-мактаб ўқувчиларининг "Балли, йигитлар" кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Тадбирда Ҳамза тумани ҳокимлиги ТХТБ ҳамда хотин-қизлар қўмитасидан вакиллар, маҳалла оқсоқоллари иштирок этдилар ва ҳомийлик совғалари билан ғолибларни рағбатлантирдилар.

Маҳбуба РЎЗАЛИЕВА,
Ҳамза тумани ХТБ катта педагог ташкилотчиси

Simpozium

ХУЛОСАЛАР ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

Хабарингиз бор, яқинда ёш истеъдодларни кашф этиш, уларнинг илм оламидаги илк изланишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган умумтаълим фан олимпиадаларининг 2003 йилги ғолиблари аниқлаб бўлинди. Албатта, ушбу фан олимпиадаларида билимлар баҳсига кирган ҳар бир ўқувчи ғолиблик учун даъвогар эди. Бироқ ҳар қандай мусобақанинг шарти шуки, беллашувда фақат энг..., энг..., энг...ларгина муваффақият қозонади. Дарҳақиқат, мазкур учрашувлар ҳам бундан мустасно бўлмади. Мусобақалар сўнгида мағлубият аламини тортган ўқувчисига бироз бўлса-да, таскин беришга уринаётган ўқитувчилар нигоҳига боқар эканмиз, ундан "нега, ўқувчим ғолиб бўлмади?", "у қаерда қоқилди экан?" — деган саволни уққандек бўлдик.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 110-мактабда илк маротаба бўлиб ўтган ўқувчи-ёшлар ўртасидаги физика-математика симпозиумининг ўтказилишига ҳам айни юқоридаги саволлар туртки бўлди. Негаки, пойтахтлик ўқувчилар умумтаълим фан олимпиадалари сўнгги натижалари таҳлилига кўра, гарчи умумий ҳисобда биринчиликни қўлга киритган бўлсада, аммо фан-техника тараққиётини таъминловчи мазкур фанлардан айтарли яхши кўрсаткичга эриша олишмади.

— Бинобарин, — дейди анжуманни очар экан, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси раҳбари И.Зокиров, — бизнинг ўқувчиларда юқори натижаларга эришишлари учун бошқа вилоят ўқувчиларига қараганда яратилган шароит ҳам, имконият ҳам ортиқ эди. Бу эса оқсоқ жиҳатларимизни аниқлашга ойдинлик киритди.

Ҳар бир бола ўзига хос истеъдод эгаси. Бироқ ана шу яширин қобилиятнинг эрта кашф этилиши, энг аввало, ота-она, ўқитувчи-мураббий изланишига боғлиқ. Шу боис мағлубиятларидан ўз вақтида хулоса чиқарган ТШХТББ мутасаддилари пойтахтлик ўқувчилар ўртасидан қалбида физика-математика каби аниқ фанларга ёшликдан ҳавас уйғонган иқтидорларни аниқлаш, уларнинг илм оламидаги кейинги изланишларига туртки бериш мақсадида ҳар йили шу каби беллашувларни ўтказишга қарор қилди. Илк анжуманда иштирок этган ўқувчилардаги физика-математика фани сир-синоатларини ўрганишга бўлган интилиш эса бу истакни мустаҳкамлади, десак муболаға бўлмайди.

Шундай қилиб, Тошкент шаҳрининг барча туманиларидан иштирок этган жамоалар дастлаб ўз иқтидорларини саҳнада намойиш этишган бўлса, сўнгра "Ўзбекистоннинг илмий-техникавий тараққиёти" мавзусида давра столи суҳбатидаги мушоҳадаларда юртимизнинг бугунги фан-техника соҳасидаги оқсоқликлари боис юзага келаётган экологик муаммолардан тортиб, оғир ва енгил саноат соҳасидаги оғриқли нуқталар хусусидаги ўқувчиларнинг фикрлари олимларнинг ҳам эътиборини қозонди. "Физиканинг экологик омиллари", "Ўзбекистон энергетикаси", "Физика — Қуёш", "Ахборот тармоғи — интернет, телевидение ва унинг истиқболи" тўғрисидаги ўқувчилар илмий дунёқараши акс этган маърузалар эса келажакда янгидан-янги тадқиқотлар мавзуси бўлажагига амин бўлдик.

Бир сўз билан айтганда, икки кун давом этган ёш истеъдодлар беллашувларида Миробод тумани ўқувчиларининг қўли баланд келган бўлса, иккинчи ўринни Мирзо Улуғбек тумани, учинчи ўринни эса Чилонзор тумани ўқувчилари эгаллашди. Ғолиблар ТШХТББнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Jumladan, "Ismoil o'g'li Arslon" xususiy firmasi rahbari A.Ismoilov o'z hisobidan 2 million, Hazorasp tumanidagi "Nurafshon" fermerlar uyushmasi raisi X.Qutimova 1 million, Bog'ot tumanidagi Bog'ot fermerlar uyushmasi rahbari SH.Rajabov 500 ming so'm miqdoridagi mablag'ni "Umid nihollari" hisob raqamiga o'tkazishlarini bildirdilar.

Mana shu ko'zlari porlab turgan, jajjigina bolakayning ham orzulari oppoq. U ham sport foydali ekanligini tushuna boshlagan, u ham aka-opalari singari "Umid nihollari"da qatnashmoqchi. "Umid nihollari"ning esa barchamiz ko'rib va bilib turganimizdek ertasi yorug'.

(Давоми. Боши 1-бетда)



Шу ўринда бошқа бир жиҳат. Президентимиз таъкидлаганларидек, спорт билан шуғулланиш деганда биз кўп ҳолларда ўғил болалар, эркаклар спортига эътибор бериб келганмиз. Бинобарин, соғлом фарзандни соғлом она дунёга келтиради. Шу маънода бугун аёллар спорти ҳам эркакларники билан бақамти олиб борила бошланди. Қизлар ўртасида бадиий гимнастика оммалаша борди. Шунингдек, болалар билан шуғулланишга, уларга сабоқ беришга хоҳиши бору, имконияти етарли бўлмаган спорт усталари учун ҳам болалар жамғармаси мададкор бўлди. Шунингдек, Болалар спорти жамғармасини "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт ўйинларидан иборат ягона ва яхлит тизимга номзодларни ҳам тайёрлаб берувчи базага қиёслаш мумкин. Негаки, мазкур жамғарма боғча болаларини-да ўзига чорлайди. Натижада, "Умид ниҳоллари"нинг бўлғуси иштирокчиси анчагина эпчил ва чаққон бўлиб етишади, беллашувларнинг шиддатли ҳамда муросасиз кечишига сабабчи бўлади. Бундай босқичма-босқичли спорт пиллапоясидан кўтарилиб борган, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом инсоннинг эса келажаги албатта ёруғ бўлади.

ҲАММАСИ ФАРЗАНДЛАРГА ҚОЛАДИ

Ҳар йили ўтказиладиган, анъана тусини ола бошлаган умумтаълим мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг Республика финал босқичи 14-20 май кунлари кўҳна ва навқирон Хоразм вилоятида ўтказилади. Шу боис, айни пайтда хоразмликлар ушбу улкан спорт байрамига оммавий тарзда, уюшқоқлик билан тадорик кўрмоқдалар. Халқимизда "Меҳмон отангдай улуғ" деган гап бор. Ана шундай меҳмонларни муносиб кутиб олиш учун эса бугун ҳар бир хоразмлик ўз ҳиссасини қўшмоқда. Дарвоқе, бу вилоят мамлакатимизнинг шимолий қисмида жойлашганлиги боис, баҳор жанубга нисбатан бу ерларга бироз кечроқ келади. Айни пайтда Сурхон томонларда дарахтлар барг чиқара бошлаган бўлса, Хоразм воҳасида энди-энди куртак тугмоқда. Лекин, шунга қарамасдан вилоятда ҳаёт энг қизғин паллага кирган. Унинг қай бир бурчига борманг "Обод маҳалла" йили нафасини сезасиз. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, ариқлар тозаланиб, дарахтларга манзарали шакллар берилган. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари кетаётган объектларда эса бир зум ҳам тиним йўқ. Байрам тадориги, яхши кун ташвиши билан юрган одамнинг ҳолатини оддий кишиларнинг-да юзидан билиб олиш мумкин.

Айни дамда эса "Умид ниҳоллари — 2003" тадбирини ўтказиш бўйича вилоят ҳокимлигида тузилган ташкилий қўмита барча ишларни режа асосида олиб бормоқда. Шу сабаб бўлса керак, Урганч шаҳрида қад кўтарган Олимпия заҳиралари спорт коллежида ҳам энг сўнгги пардозлаш, атрофга чим ётқизиш ишлари бажарилмоқда. Бир қарашда университетга ўхшаб кетадиган мазкур ҳашаматли коллежда ишлар уч сменада олиб борилаётган бўлиб, бир сменада мингга яқин киши меҳнат қилмоқда. 17 гектар майдонни эгаллаган ўқув даргоҳини барпо этиш учун 3 миллиардга яқин сармоя сарфланди. Ҳадемай 1050 нафар ўқувчини ўз бағрига оладиган ушбу билим масканида талабалар спортнинг 20 га яқин тури билан шуғулланишлари мумкин. Бунинг учун уларга уч қаватли асосий ўқув биносидан ташқари, гимнастика заллари, очиқ ва ёпиқ тарздаги теннис кортлари, бассейнлар, футбол ва енгил атлетика мусобақаларига мўлжалланган катта ўйингоҳ, турли кўринишдаги 18 та спорт майдончалари хизмат кўрсатади. "Умид ниҳоллари"нинг финал босқичи арафасида фойдаланишга топширилажак мазкур коллежда сузиш, қўл тўпи (қизлар) бўйича мусобақалар ўтказилиши кўзда тутилган.

Шаҳар кўркига кўрк қўшадиган, "Умид ниҳоллари"нинг очилиш ва ёпилиш тантаналари бўлиб ўтадиган Хоразм спорт мажмуасида ҳам ишлар якунланиб бормоқда. Икки миллиарддан зиёдроқ маблағ сарфланиб, қайта капитал таъмирдан чиқарилаётган бу мажмуа бир вақтнинг ўзида 20 минг кишини қабул қила олади. 80-йиллар бошида қурилган ўйингоҳ бугунга келиб таъмирга муҳтож бўлиб қолган, устига-устак, кўп минг сонли томошабинларни қабул қила олмас, етарлича имкониятларга эга эмас эди. "Умид ниҳоллари" сабабли у янгича, замонавий кўриниш олаяпти, имкониятлари кенгайяпти. Асосий ўйингоҳдан ташқари мазкур спорт мажмуасида хоразмликларнинг ўндан ортиқ спорт турлари билан шуғулланишлари учун шароитлар яратиляпти. Спорт анжомлари билан жиҳозланишдан ташқари, ечиниш, ювиниш, тиббий хизмат, дам олиш хоналари ташкил этиляпти. Ўйингоҳнинг энг баланд жойига эса "Умид ниҳоллари" машъаласи ёқиладиган махсус қурилма ўрнатиладиган бўлиб, у мусобақалар давомида бутун шаҳарга нур таратиб туради. Ва рамзий маънода ўқувчилар қалбига ёруғлик олиб киради.

"Умид ниҳоллари"нинг енгил атлетика беллашувлари бўлиб ўтадиган ушбу мажмуада эндиликда нафақат спорт мусобақалари, балки, катта-катта оммавий тадбирларни — Мустақиллик, Наврўз, Ҳосил байрамларини ўтказиш мумкин бўлади.

Баскетбол, кураш бўйича мусобақалар ўтадиган Урганч давлат университетида эса 300 миллион сўмга яқин таъмирлаш ишлари бажарилди. Ўқув юртининг ётоқхоналари, ошхоналари, спорт иншоотларининг ҳолати талаб даражасига келтирилди. Бундан ташқари, Урганчдаги "Бадиий гимнастика маркази" бадиий гимнастика, Паҳлавон Маҳмуд номидаги теннис корти теннис, "Спартак", Хонқа, Хива ўйингоҳлари футбол, Хива махсус спорт мактаб-интернати қўл тўпи (ўғил болалар), Урганч қишлоқ ва сув хўжалиги коллежи волейбол (қизлар), Урганч қурилиш коллежи баскетбол (қизлар), Ҳазорасп педагогика коллежи волейбол (ўғил болалар), Янгибозор спорт коллежи белбоғли кураш, Шовот маиший хизмат коллежи спорт заллари шахмат мусобақалари ўтказиш учун тахт ҳолатга келтириб қўйилди. Эътиборли жиҳатлардан яна бири, спортнинг маълум бир тури бўйича барча вилоятлардан келадиган ўқувчилар бир жойда яшаб, уларнинг мусобақалари ҳам шу объектнинг спорт мажмуасида ўтказилади. Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида Хивадаги Ичон қалъа каби тарихий обидалар, ёдгорликлар, "Авесто", Ал-Хоразмий, Жалолиддин Мангуберди боғлари бўйлаб саёҳатлар, турли ҳил маданий тадбирлар, машҳур кишилар ҳамда давлат арбоблари билан учрашувлар ташкил этилади. Шунингдек, ўқувчиларнинг вилоят тарихи билан кенгроқ танишишлари, у ҳақда кўпроқ маълумотга эга бўлишлари учун "Хоразм дурдоналари" деб номланган рангли, махсус журнал ҳам чоп этилмоқдаки, бу ҳар бир меҳмон учун ажойиб қўлланма бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, ҳеч бир иштирокчи бир зум бўлсин эътибордан четда қолмайди. Зеро, бу тушунча байрамга тайёрланаётган хоразмликларнинг шиорига айланган.

Шу сабаб, бугун вилоят ҳокимлигида ташриф буюрадиган спортчи ўқувчилар, мураббийлар, ҳакамлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бошқаларга хизмат кўрсатиш учун, яъни, 3 мингга яқин меҳмонларни кутиб олиш, жойлаштириш, хавфсизлик, тиббий хизмат билан таъминлаш, ғолибларни тақдирлаш, маданий тадбирлар ташкил этиш ва бошқа йўналишлар бўйича 20 та гуруҳ иш олиб бормоқда. Ўтган ҳафта вилоят ҳокими И.Бобожонов ўтказган йиғилиш ҳам "Умид ниҳоллари"га бағишланди. Шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари раислари, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этган йиғилишда катта спорт байрамини кўнгилдагидек ташкил этишга ҳар ким баҳоли қудрат ҳисса қўшишини маълум қилди. Жумладан, "Исмоил ўғли Арслон" хусусий фирмаси раҳбари А.Исмоилов ўз ҳисобидан 2 миллион, Ҳазорасп туманидаги "Нурафшон" фермерлар уюшмаси раиси Х.Қутимова 1 миллион, Боғот туманидаги Боғот фермерлар уюшмаси раҳбари Ш.Ражабов 500 минг сўм миқдоридаги маблағни "Умид ниҳоллари" ҳисоб рақамига ўтказишларини билдирдилар.

Ҳа, хоразмликлар "Умид ниҳоллари" баҳонасида барпо этилаётган спорт мажмуалари ўз фарзандларига қолишини, уларнинг соғлом ва забардаст бўлиб вояга етишларига хизмат қилишини яхши тушуниб етганлар.



ЎЗ УЙИНГДА ДЕВОРЛАР ҲАМ СЕНИ ҚЎЛЛАЙДИ

ёхуд Фарғонадан етарлича сабоқ олинди

Хоразм азал-азалдан Оллоҳнинг назари тушган юрт саналади. Биргина, муқаддас "Авесто" китобининг ватани шу воҳа эканлиги фикримиз далилидир. Шунингдек, Хоразмдан Ал-Хоразмий, Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд каби буюк шахслар етиб чиққан. Ёдга олсак Ўрта Осиёга бостириб кирган Чингизхон-да Жалолиддин Мангубердидек довюрак ўғли бўлишини орзу қилади. Ҳа, бу замин ана шундай фарзандлари билан фахрланиб келган ва фахрланади ҳам.

Қадимдан Хоразмда курашчиларни ҳурмат қилиб "Полвон" дея чақиришлари маълум. Жумладан, бугун ана шундай улуғ номга сазовор бўлган Сапо полвон, Салай полвон, Наримон полвон, Эгамберган полвон, Қаландар полвонларни халқ ҳурмат билан тилга олади. Улар иштирок этган тўйлардаги курашлар ўзгача бир тарзда, файзли кечади.

Ана шундай полвонларнинг давомчилари саналган Янгиариқлик 20 ёшли Алишер Қурёзов 2001 йилнинг май ойида Россиянинг Твер шаҳрида ўтказилган кураш бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида чемпионликни қўлга киритди. Унинг шериклари боғотлик 18 ёшли Умид Бекчанов кумуш, хивалик Руслан Саидов эса бронза медали соҳиби бўлдилар. 2001 йили Германияда ўтказилган бокс бўйича халқаро мусобақада урганчлик Алишер Раҳимов шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллаган бўлса, ўша йили мазкур давлатда ташкил этилган жаҳон чемпионатида янгибозорлик армрестлингчи Ҳусайн Матқурбонов бронза медалини қўлга киритди. Жорий йил январида Швейцарияда бўлиб ўтган халқаро мусобақада урганчлик 10 ёшли каратэчи қизалоқ Жавҳари Мадраҳимова олтин, кумуш, бронза медаллари соҳибаси бўлди. 12-20 март кунлари каратэ бўйича Атлантадаги жаҳон кубогидан эса урганчлик 9 ёшли Жалолиддин Нуруллаев олтин ва кумуш, хивалик 12 ёшли Бобур Рўзметов кумуш медал билан қайтди.

Ҳозирга келиб шундай юқори кўрсаткичларни қўлга киритаётган вилоятда 935 та спорт муассасалари 382780 нафар ўқувчи-ёшлар ва катталарни ўзига жалб этган. 23 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 3 та махсус интернат, 2 та спорт коллежида 1951 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Шунингдек, 14 та марказий ўйингоҳ, 495 та спорт зали, 4 та бассейн, 114 та теннис корти, 554 та баскетбол, 783 та волейбол, 407 та қўл тўпи, 381 та футбол, 353 та мини-футбол майдонлари ва енгил атлетикага мўлжалланган 113 та ядролар ҳам аҳоли ихтиёрига бериб қўйилган.

Бошқа бир жиҳат, бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётган болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлимида ҳам қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Жорий йилда ҳомийлар ёрдами билан 20 та болалар спорт мажмуаси қуриладиган бўлса, шулардан 13 тасини чекка қишлоқларда бунёд этиш режалаштирилган.

Ҳазораспда эса туман ҳокимлиги ташаббуси ва ҳомийлиги билан февраль-март ойларида мактаблар ўртасида "Энг намунали спорт майдони ва спорт зали" кўрик-танлови ўтказилди. Унда 41-мактаб олий ўринни эгаллаб 400 минг, 7, 23-мактаблар биринчи ўринни қўлга киритиб 300 минг, 20, 26-мактаблар иккинчи ўринни банд этиб 200 минг, 21, 32, 39-мактаблар эса учинчи ўринга лойиқ топилиб 100 минг сўмлик спорт жиҳозлари билан тақдирландилар. Бинобарин, бундай ташаббусларни бошқа туманлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бизнинг бош мавзуимиз бўлмиш "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг вилоят босқичи ҳам кўнгилдагидек ўтказилди. Унда 1652 нафар иштирокчилар спортнинг 12 тури бўйича ғолиблик учун баҳс олиб бордилар. Мусобақалар якунига кўра, сузиш ва бадиий гимнастика бўйича Урганч шаҳри спортчилари, миллий кураш бўйича Янгиариқ тумани жамоаси, белбоғли кураш бўйича Гурлан туманининг ёш полвонлари, енгил атлетика бўйича Шовот тумани вакиллари, футбол бўйича боғотликлар, шахмат бўйича қўшкўпирликлар вилоят биринчилигини қўлга киритдилар. Умумжамоа ҳисобида эса Урганч шаҳри биринчи, Шовот ҳамда Янгиариқ тумани вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар. Урганч шаҳридаги "Бадиий гимнастика" марказида бўлиб ўтган ғолибларни тақдирлаш маросимида эса вилоят "Пахтасаноатсотиш" корхонаси, "Урганчёғ", "Урганчтрансгаз", "Гурлантекстил", "Урганчшароб" ҳиссадорлик жамиятлари ўзларининг қимматбаҳо совғалари билан қатнашдилар.

Ҳозир эса вилоят терма жамоасини Республика финал босқичига тайёрлаш жиддий ва талабчан тарзда олиб борилмоқда. Уларнинг спорт кийимлари "Феруз" ва "Гурлантекстил" ҳиссадорлик жамиятларида тикилмоқда. Яқинда миллий кураш бўйича терма жамоа Тошкент вилоятининг "Бурчмулло" спорт оромгоҳида ўқув йиғини ўтказган бўлса, футбол жамоаси Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган республика чемпионатида муваффақиятли қатнашди. Шунингдек, спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам тайёргарликлар қизғин паллага кирган. Мақсад битта, "Фарғона — 2002"даги хатоларни бошқа такрорламаслик, камчиликларни тугатиш ҳамда юқори кўрсаткичга эришиш. Зеро, "Ўз уйингда деворлар ҳам сени қўллайди", дея бежизга айтилмаган.

Биз эса миллий кураш бўйича вилоят шарафини ҳимоя қилувчи йигитларнинг бири билан танишдик. Жасур Ботиров, Боғот туманидаги 1-мактабнинг 11-синф ўқувчиси. Фарғонадаги мусобақаларда 77 килограммдан ортиқ курашчилар ўртасида 2-ўринни олиб, кумуш медаль соҳиби бўлган.

— Ўшанда фарғоналиклар мезбонлик шарафини тантанали тарзда сизларга топширган эди. Мана орадан қарийб бир йил ўтди. Шу вақт мобайнида ўз устингизда ишлаб, анчагина маҳоратингизни оширган бўлсангиз керак?

— Албатта. Ўтган йили бухоролик рақибимга бир чала билан ютқазиб қўйган эдим. Бу гал эса улоқ менда кетишига ишонаман. Чунки, деярли ҳар куни шуғулландим. Бунинг устига бу йил мактабни битираман. Ниятим, биринчиликни қўлга киритиб, жисмоний тарбия фани бўйича олий ўқув юртига ўқишга кириш. Бугун бизга етарлича шароит яратиб берилган ва катта ишонч билдирилган. Дўстларим Сардор, Мадамин ва бошқалар билан ана шу ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз ва умумжамоа ҳисобида биринчиликни эгаллашга интиламиз.

СПОРТГА ОШНО РАИС

Гурлан туманининг "Амударё" ширкат хўжалиги қадимий Жайҳун бўйларида жойлашган бўлиб, унинг ҳудудидаги Ш.Рашидов номидаги 26-, Беруний номидаги 27-, У.Носир номидаги 28-мактабларда 2100 нафардан ошиқроқ ўқувчи билим олади.

Биз сафаримиз вақтида 27-мактаб стадионида бўлиб ўтаётган футбол ўйинининг гувоҳи бўлдик. Қишлоқ ёшлари мусобақасини томоша қилаётганлар орасида "Амударё" ширкат хўжалиги раҳбари Эриммат ака Содиқовни кўриб, уни суҳбатга чорладик.

— Раис бува, футболга қизиқасизми?

— Бўлмасамчи, футбол жони дилим. Бўш вақтларимда ёшларимизнинг ўйинларини томоша қилиб, дам оламан. Анчагина ёшгандек бўламан. Энг муҳими уларга эътибор. Ёшларни озгина рағбатлантириб, кўнглини кўтарсангиз, қолганини уларнинг ўзларига қўйиб беравринг. Хоҳ туман, хоҳ вилоят мусобақаси бўлсин, биринчиликни қўлга киритишлари тайин.

— Спорт борасида яна қандай ишларни амалга ошираяпсизлар?

— Президентимиз ташаббуслари билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилганлиги айни муддао бўлди. Сабаби, бизга ўхшаб энг чекка ҳудудларда яшовчиларнинг фарзандларига ҳам эътибор қаратилади. Фармон кучга киргач, Гурлан туманимизда ҳам мазкур жамғарманинг бўлими очилди. Туман ҳокими шахсан ўз назоратига олган жамғарма бўлимининг фаолияти орадан кўп вақт ўтмаган бўлса-да, бугун анчагина кенгайган. Биз ҳам жорий йилда мазкур жамғарма доирасида бир талай ишларни амалга оширмоқчимиз. Жумладан, янги ўқув йили бошида фарзандларимизга спорт маркази совға қиламиз. Бугун фойдаланилмасдан ётган хўжалигимизнинг маданият уйи биноси капитал таъмирдан чиқарилиб, унда 4 та спорт зали ташкил этилади. Шунингдек, унинг ёнида тиббий хизмат пункти ва мўъжазгина меҳмонхона ҳам қурилади. Мақсад 3-4 кун давом этадиган мусобақаларда бошқа ширкат хўжаликларидан, қишлоқлардан келувчи спортчиларга етарлича шароит яратиб бериш. Ҳозирда марказ учун қурилиш материаллари тайёр, таъмирлаш ишларини амалга ошириб, спорт жиҳозлари олсак кифоя. Бунга вақт ҳам, маблағ ҳам етарли. Сўнг бу ерда кураш, бокс, теннис каби тўгараклар иш бошлайди. Қарабсизки, ёшларимиз бўш вақтларини унумли ўтказиб, соғлом вояга етадилар, жиноятдан сақланадилар ҳамда спортда, жумладан "Умид ниҳоллари"да катта ютуқларни қўлга киритадилар.

— Дарвоқе, "Умид ниҳоллари" ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Бу оммавий спорт турининг мактаб, туман босқичларида ғолиб чиққан жамоаларга ўзимизнинг қимматбаҳо совғаларимизни тақдим этдик. Вилоят босқичида қатнашишлари учун йўл, овқатланиш ва бошқа харажатларда ёрдам бердик. Энди май ойида бўлиб ўтадиган Республика финал босқичи ғолибларига ҳам махсус совғалар тайёрлаб қўйдик. Ёшларимиз хурсанд бўлишса, бу бизнинг бахтимиз.

Ҳа, раиснинг гапларида жон бор. Зеро, ҳар бир ота-она ҳам болам деб яшайди. Унинг камолидан қувонади. Шунинг ўзи у учун дунёдаги энг катта бахт.

Кези келганда шуни айтиш керакки, узоқни кўзлаган бу инсон ҳақида қишлоқ катталаридан анчагина илиқ фикрларни эшитдик. Илло, халқини ўйлаган раҳбарнигина одамлар ҳурмат билан тилга оладилар. Қишлоқ оқсоқолларининг билдиришларича, "Амударё" ширкат хўжалигига Э.Содиқов бошқарувчи бўлиб келгандан буён, ҳаёт анчагина жонланди. Хўжалик аъзоларининг йиллик даромадлари сезиларли даражада ошди. Шу сабаб бўлса керак, аъзоликдан чиқиб кетган кишилар яна эски иш жойларига қайта бошладилар.

Шунингдек, раис таълимга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Аввалига эски, нураб ётган бинода билим олаётган 27-мактаб ўқувчиларига 2002 йили 150 миллион сўм маблағ сарфлаб, 320 ўринли 2 қаватли ўқув биноси қуриб берилди. Ундаги синфхоналарни жиҳозлашга кўмаклашилди ва мактаб ўқувчиларига битта компьютер синфи совға қилинди. Қўшни 28-мактабда яқин йиллар ичида математика ўқитувчисининг нафақага чиқиши ва бу фан бўйича болаларга сабоқ беришда муаммо келиб чиқишини эшитган раис мактабга борди. Ўқувчилар билан учрашди. Мақсади, кимки математика фанига қизиқса, ўшанга ўз ҳисобидан 3 минг сўм миқдорида стипендия бермоқчи, агар мактабни тамомлаб шу фан бўйича олий ўқув юртига ўқишга кирса, стипендия миқдорини янада оширмоқчи. Бордию шартнома асосида талабаликка қабул қилинса, унинг шартнома пулини хўжалик ҳисобидан ўтказиб бермоқчи. Шундай ҳам бўлди. Бугун собиқ ўқувчилардан бири Урганч давлат университетининг математика, бошқа бири эса физика факультетида шартнома асосида таҳсил олмоқда. Раиснинг нияти ўз ҳудудидаги мактаблар учун мутахассисларни маҳаллий ёшлардан тайёрлаш.

Шаҳардан келиб ишлайдиган ўқитувчиларнинг қўшимча даромад топишлари учун ҳар бирига 3 йил муддатга ер берган ширкат хўжалик раҳбари, улардан ўз фанлари бўйича иқтидори бор ўқувчиларни 9-,10-,11-синфлар мобайнида олий ўқув юртларига киришга тайёрлаб боришларини талаб қилди. Шунинг учун бўлса керак, ўтган йили 8 нафар ўқувчи талаба бўлди.

Эндиги режалардан бири, Беруний номидаги мактабнинг эски биносини таъмирлаб, 100 ўринга мўлжалланган болалар боғчаси ташкил этиш. Бу ҳам спорт маркази билан бир пайтда, Мустақиллик байроғининг арафасида ишга тушади. Раиснинг режалари амалга ошса, амударёлик ёшлар спорт борасида катта ютуқларни қўлга киритишлари, мамлакатимиз байроғининг жаҳон узра ҳилпирашига ҳисса қўшишлари шубҳасиз.

ҚАДИМ ХОРАЗМДА БАЙРАМ НАФАСИ

ЧЕМПИОН БОЛАКАЙ: ОЛТИН МЕДАЛНИ "УМИД НИҲОЛЛАРИ"ДА ОЛАМАН

Катта тўйга тайёргарлик боис, Урганч шаҳри марказидаги Хоразм спорт мажмуасида ҳам тиним йўқ. Мингдан ортиқ усталарнинг қўли-қўлига тегмайди. Кимдир Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги "Физика-Қуёш" институтидан табиий ёндирилиб, олиб келинадиган ва мусобақалар мобайнида кўҳна Хоразмга ажиб бир тароват таратиб турувчи "Умид ниҳоллари" машъаласи ўрнатиладиган қурилмага ишлов бермоқда. Бир гуруҳ кишилар мажмуа деворларига безак солаяпти, яна кимлардир эса йўлакларга асфальт ётқизиш билан овора. Мажмуага келиб-кетаётган юк машиналарининг кети узилмайди. Ҳайбатли кранлар эса кишини шошилтириб қўяди.

Мана шундай тиғиз иш жараёнини бир четда туриб, ҳаяжон билан томоша қилаётган 2-3 нафар болакайларнинг бирини суҳбатга чорлайман.

—Исминг нима?

—Иззат.

—Қайси мактабда ўқийсан?

—19-мактабнинг 2"А"-синфида.

—Бу ерга спортга қизиққанинг учун келдингми ёки машиналарни, мана бу катта-катта кранларни томоша қилиш учунми?

—Спортга қизиққаним учун. Узим каратэ билан шуғулланаман. Яқинда Тошкентдаги мусобақада қатнашдим. Республикада 2-ўринни олдим. Кумуш медаль беришди.

—Яна нимага қизиқасан?

—Футболга.

—Бу йил "Умид ниҳоллари"да иштирок этдингми?

—Ҳа. Синфимиз болалари билан футбол бўйича биринчи ўринни олдик.

—Қара, мана шу ўйингоҳ сизлар учун қурилаяпти. Ҳадемай ишга тушади. Дарслардан сўнг шу ерга келиб шуғулланишни хоҳлайсанми?

—Хоҳлайман. Дадам футбол ва каратэ тўгаракларига аъзо қилдириб қўймоқчи. Яхши шуғулланиб, "Умид ниҳоллари"да яна қатнашмоқчиман.

—Кумуш медалинг бор экан. Олтин медални қачон оласан?

—Мактабни тугатаётганимда "Умид ниҳоллари"да иштирок этиб, олмоқчиман.

Дарҳақиқат, боболаримиз бежизга "Соғ танда соғлом ақл" дея айтмаганлар. Мана шу кўзлари порлаб турган, жажжигина болакайнинг ҳам орзулари оппоқ. У ҳам спорт фойдали эканлигини тушуна бошлаган, у ҳам ака-опалари сингари "Умид ниҳоллари"да қатнашмоқчи. "Умид ниҳоллари"нинг эса барчамиз кўриб ва билиб турганимиздек эртаси ёруғ.

МИЛЛИОНЕР МОМОНИНГ СОДДАЛИГИ

Вилоят ҳокимлиги томонидан ўтказилган "Умид ниҳоллари" пул-буюм хайрия лотереяси баҳона кўпчилик миллионерга айланди. Ана шундайлардан бири Хонқа туманидаги Алишер Навоий ширкат хўжалигида яшовчи пенсионер онахон Мунаввар Абдуллаева бўлади. Онахоннинг айтишича, бир куни пенсия тарқатиб юрган почтачи унга лотерея олишни таклиф этади. Умрида ҳеч лотерея ўйнамаган, устига-устак ютуқ чиқишига ишонмаган момо таклифни рад қилади. Бироқ, уддабурон почтачи момонинг бошини айлантириб, битта лотереясини унга сотишга эришади. Почтачи кетгач, онахон пенсия пулини санаб кўрса, ҳар доимгидан 500 сўм кам. Аввалари лотерея ўйнамаган, ҳатто унинг нархи ўзига ёзиб қўйилишини билмаган момо почтачининг гўрига обдон "ғишт" қалаштиради. Бироқ, 18 март кунги лотерея ўйинида 2 миллион сўм ютиб олганлигини набирасидан билган онахон роса қувонади ва почтачини топтириб, уйига меҳмонга таклиф этади ҳамда уни совға-салом билан сийлайди.

—Умримда ҳеч лотерея олмагандим. Буни қарангки "Умид ниҳоллари" сабаб, 2 миллион ютиб олдим. Қариган чоғимда бу менга энг катта мукофот бўлди, — дейди онахон, — бутун мамлакатимиз спортчи ўқувчиларининг вилоятимизга келиши биз учун байрам. Қаерга борсангиз қурилиш, ободонлаштириш, дарахтларни оқлаш, ариқларни тозалаш ишлари қилинмоқда. Бу худди тўйга тайёргарлик кўраётган оиланинг ҳаракатини эслатади. "Умид ниҳоллари" нафақат набираларимизга, балки менга ўхшаган қарияларга ҳам фойдаси тегаётганлиги учун ҳукуматимиздан беҳад мамнунман. Илойим, юртимизда шундай улкан тадбирлар кўпроқ ўтказиларверсин.

Камолиддин АЛИОХУНОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири
Тошкент — Урганч — Тошкент



Kitobda Beruniy buloq va favvoralardan suvning otilib chiqish sabablarini tushuntirib beradi. Tog'lardagi suvlar o'zining dastlabki holatiga qadar ko'tarila oladi, agar suv yo'lida to'siq bo'lmay, pastga tushish imkoniyati bo'lsa, havo bosimi ta'sirida u tog' cho'qqilariga qadar ko'tariladi.

Savol-javoblar asnosida bu maktabda o'g'il bolalarga nisbatan qizaloqlarning ko'p kitob o'qishlarini bilib oldim.

ЎҚИТУВЧИГА УСЛУБИЙ ЁРДАМ КЎРСАТАЯПСИЗМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мактабимизда педагогик фаолиятимизни тавсиянома асосида қайта кўриб чиқиш долзарблигини ҳис қилиб, директор ҳузуридаги кенгашда барча йўналишлар ўрганиб чиқилди. Кенгашда мактаб маъмурияти ва методика уюшмалари раислари иштирок этди. Кенгаш қарорига кўра йўналишларни ҳар бир ўқитувчи тушуниб етиши учун ҳафтасига бир марталик ўқув тренинги ўтказишга келишиб олинди ва тегишли режа тузилди. Режа Бешариқ туман халқ таълими бўлими қошидаги услубият хонасининг тавсиялари билан тўлдирилди. Шу йилнинг бошида қуйидаги режа асосида треннинг ўтказилди.

Тренинг режаси 6-йўналиш: "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосидаги илғор педагогик технологиялар ва ижодкор ўқитувчилар иш тажрибаларини оммалаштириш бўйича" йўналишнинг 7-бандига асосан тузилди.

Мазкур бандда шундай дейилади: "Интерактив методларда семинар-тренинглар (қисқа муддатли ўқув курси. — Изоҳ муаллифники) ўтказиш тартиби асосида ..... Методика уюшмаси аъзолари томонидан мактаб фан Методика аъзолари ўртасида даврий равишда интерактив методларда семинар-тренинглар ташкил этиш ва ўтказишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ".

Янгиликни теран ҳис қилган мактаб директори И.Эркабоев ва илмий бўлим мудири Т.Сиддиқов тренинг ёрдамида ўқитувчиларни ўқитишнинг жаҳон андозаларига ҳамоҳанг услублари билан қуроллантиришни мақсад қилиб қўйганлар. Юқорида таъкидланганидек, тренинг машғулотлари узлуксиз бўлиши учун режа ишлаб чиқилиб, ҳафтасига бир мартадан машғулотлар ўтказилди. Унга мактабнинг 35 нафар ёш муаллимлари ва хоҳишларига кўра тажрибали ўқитувчилар ҳам жалб этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тузиладиган режага асосан ҳафтасига бир бор машғулот ўтказилгани маъқул. Нима сабабдан? Сабаб шуки, машғулот ўтказилгач, тренинг тингловчилари ўрганган услубларини бир ҳафта давомида дарсларига жорий этишлари, синаб кўришлари ва навбатдаги машғулотда фикр-мулоҳазаларини баён этиши кўзда тутилган.

Дарсни кузатишга кирган ҳамкасблар ҳам дарснинг шу жиҳатларига аҳамият берадилар. Машғулотлар "ўқитувчи — ўқувчи", "ўқувчи — ўқувчи — интерактив усул" тарзида ўтказилмоқда. Машғулот давомида ўрганилган назарий маълумотлар шу дарснинг ўзида амалиёт билан боғланади. Тренингнинг қизиқарли ва ҳаётийлигидан бохабар бўлган қўшни мактаб ўқитувчилари ҳам машғулотларда қатнашиш истагини билдирмоқдалар.

Бугунги долзарб даврнинг талаби таълим тизимимизнинг жаҳон андозалари даражасига кўтаришни талаб қилаётган экан, мақсадга эришишнинг бирдан бир йўли янгиликларни дарсларга дадил жорий этиб боришдан иборатдир.

Хуллас, бу каби долзарб, мавзуий тренинглар айни шу кунларда ҳам ўтказилса, фойдадан холи бўлмайди.

Азимжон ПЎЛАТОВ,
Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 30-ўрта мактаб ўқитувчиси, тренинг тренери

УНИВЕРСИТЕТНИНГ ЙИЛЛИК СТИПЕНДИЯСИ

Самарқанд давлат унивеситетида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига амалий ёрдам кўрсатиш, билимга чанқоқ ёшларни рағбатлантириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Rag'bat

Яқинда мурияти тавилоятдаги лар ва касбининг иқтидорли ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида СамДУнинг 40 та йиллик стипендиялари таъсис этилди. Шу пайтгача педагогик кенгашларнинг тавсиялари ва Низоми асосида иқтидорли ўқувчиларидан 16 нафари ушбу стипендиядан манфаатдор бўлишмоқда.

Н. ШЕРБОЕВА

ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Tadbir

"Обод маҳалла йили"да бизнинг Бешариқ туманимиздаги Яккатут қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган барча маҳаллаларда ободонлаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди.

Яқинда Яккатут маданият уйи биносида "Мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлиги — ютуқларимиз гарови" мавзуида ўтказилган тадбирда туман ИИБ ходимлари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Маҳалла ободлиги, тинчлиги ва осойишталиги фарзандларимиз тарбиясига нечоғлик боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш теран фикрли инсонни тарбиялаш педагогларнинг, жамоатчиликнинг, маҳалла фаолларининг энг масъулиятли вазифаларидан биридир.

Маърифат ҒАНИЕВА

СЕМИНАР

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 23-мактабда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда" деб номланган вилоят семинари бўлиб ўтди. Шу куни мактабда ўтказилган дарслар ноанъанавийлиги ва самараси билан меҳмонларда қизиқиш уйғотди.

Ўз навбатида синф раҳбарлари ўзказган тарбиявий соатлари Ангрен, Ғазалкентдан келган меҳмонларга манзур бўлди.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бўйича олиб борилаётган ишларда учраётган камчиликлар ва муаммолар бўйича ВХТБ ёрдамчи мактаб ва интернатлар инспектори Ф.Мамедова, "Умр" марказининг директори В.Шомахмудов ва бошқалар ўз фикрларини билдирдилар.

Г.МАМОНТОВА,
Л. ЭРГАШЕВА

КИМ ҚАНДАЙ КИТОБНИ ЎҚИДИ?

Jonli muloqot

Халқимиз қалбидан жой олиб улгурган шоирлар — "Шарқ юлдузи" журнали бўлим мудири Икром Отамурод, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси шеърият кенгаши маслаҳатчиси Рустам Мусурмон, "Муштум" журнали ҳамда "Афанди" газетаси бўлим муҳаррири Носиржон Тошматов, шунингдек, Тошкент шаҳар ХТББ услубчиси Дилором Юсупова, Яккасарой туман халқ таълими бўлими услубчиси Махтура Усмондиёроваларнинг Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 127-мактабга ташрифи ушбу илм маскани ўқувчилари қалбига бир олам қувонч бағишлади. Гап шундаки, жонли мулоқот тусини олган ижодий учрашувда ўғил-қизлар китоб, китобхонлик, кутубхонани бойитиш, мустақил фикрлаш, она-юртни севиш тушунчалари билан бойибгина қолмадилар, балки шеърият олами билан ҳам ошно бўлишди. Ўқувчилар турли мавзуларда ўқилган шеърлардан гўё мустақил юрт исини туюшди. Турналар арғимчогини, баҳор — Наврўзи олам тароватини, шарқироқ сой, қир-адирларини, серҳосил ерларини, кенг дала, яйловларини яна бир карра кўз олдиларига келтиришди. Демак, Ўзбекистон — жаннатмакон ўлка.

Келажаги буюк ўлкани янада юксалтириш, гуллаб-яшнатиш жоиз. Бунинг учун эса ёшлар кўплаб тушунчаларни ўзлаштиришлари бир дунё китобларни ўқишлари зарур бўлади.

Дарвоқе, жонли мулоқотда шоирларимиз мактаб ўқувчиларига "Ким қандай китобни ўқиди?", "Ватан ҳақида қандай шеърларни биласиз?" каби саволларни беришди.

— Болаларнинг бийрон тиллигидан, кутубхоначиларини йўқлашларидан хурсанд бўлдим, — дейди таниқли шоир Икром Отамурод. — Савол-жавоблар асносида бу мактабда ўғил болаларга нисбатан қизалоқларнинг кўп китоб ўқишларини билиб олдим.

Дарҳақиқат, жонли мулоқот чоғида илғорлик қизлар томонида бўлди. Ҳаттоки, 8 "В"-синф ўқувчиси Мунира Носирова ўз ижод намуналаридан йиғилганларни баҳраманд этди. Хуллас, жонли мулоқот ўғил-қизлар қалбида узоқ вақт муҳрланиб қолиши шубҳасиздир.

Қ.МАТҚУРБОНОВ

Суратда: мулоқотдан лавҳа.

Зафар БАКИЕВ олган сурат.

БЕРУНИЙ АСАРЛАРИДА ФИЗИКА

Беруний таваллудининг 1030 йиллиги олдидан

IX-XI асрлар Ўрта Осиё маданият ва илм-фанининг энг гуллаган даври бўлди. Шу даврда яшаган буюк олимлардан математик, астроном ва географ Хоразмий (780-847), астрономлардан Фарғоний (XI аср), Балхий (850-934), файласуф ва табиатшунос Форобий (873-950), Беруний (973-1048), машҳур тиб олими Ибн Сино (980-1037) ва бошқалар жаҳон фанини ўзларининг қимматли асарлари билан бойитдилар ҳамда келажак авлодга ўзларидан бой, ўлмас мерос қолдирдилар. Қуйида Абу Райҳон Берунийнинг физика соҳасидаги илмий меросидан айримларини ҳикоя қиламиз. Зеро, бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синф физика дастурида мавжуд бўлган айрим мавзулар ("Берунийнинг зичликни аниқлаш усуллари", "Модда тузилиши ҳақида Беруний ва Ибн Сино таълимотлари", "Иссиқлик ҳодисалари ҳақида Беруний ва Ибн Сино фикрлари", "Ёруғлик ҳодисалари ҳақида Беруний ва Ибн Сино фикрлари") ўқитувчи томонидан бойитилиб ўтилса, аҳамиятли бўлиши шубҳасиз.

"ОСОРУЛ БОҚИЯ"ДА ФИЗИК ТУШУНЧАЛАР

Абу Райҳон Беруний ўзининг "Ал-Осорул боқия анил-қурунул холия" китобини 27 ёшида (1000 йил) ёзган. Олим бу китобда жуда кўп физик ҳодисаларни баён қилгани ҳолда ёруғлик нури материянинг бир кўринишидан иборатлигини, шунингдек, маълум тезликка эга эканлигини билган ва товуш тезлиги билан таққослаб кўрган. Жумладан, у шундай дейди: "Баъзилар нур ҳаракати жисм бўлмагани учун замонсиз (вақтсиз) дейдилар. Баъзилар эса замон билан вужудга келади, лекин нур ҳаракати билан унинг тезлиги орасида солиштирарлик, у билан нур ҳаракатининг суръатини (тезлигини) ҳис эттирарлик ва тушунтирарлик бир нарса йўқдир. Чунончи, урмоқ ва тўқмоқнинг ҳавода овоз бериш ҳаракати нурнинг ҳаракатидан оғирроқ (секинроқ) бўлиб, бу иккисини таққослаганда кейингисини ажратиб бўлади. Нур ҳаракатининг (иссиқлигининг) сабабини баъзилар — нур акси кўриниши бурчакларининг қизишидир, дейдилар. Бундай эмас, балки қизиш нур билан мавжуддир".

Бундан кўринадики, Беруний ёруғлик нурининг иссиқлик таъсирини ҳам билган.

Китобда Беруний булоқ ва фаввораларидан сувнинг отилиб чиқиш сабабларини тушунтириб беради. Тоғлардаги сувлар ўзининг дастлабки ҳолатига қадар кўтарила олади, агар сув йўлида тўсиқ бўлмай, пастга тушиш имконияти бўлса, ҳаво босими таъсирида у тоғ чўққиларига қадар кўтарилади, дейди.

Берунийнинг бир қатор асарларида баён этилган фикрларга қараганда, у табиатда бўшлиқнинг борлигига ишонади" бунинг мисоли "Сув ўғриси — сориқатул моъа (арабча) исмли олат (асбоб)дир. Агар бу асбобга сув тўлдириб, икки тарафини ичида суви бор ва сув сатҳи бир текисликда бўлган икки идишга қуйсангиз, асбоб ичидан сув вақт ўтиши билан икки идишнинг бирига ҳам оқмай турaверади. Чунки идишлар бир-биридан сувнинг оқишига лойиқроқ бир ҳолатда эмасдир. Асбобдаги сувнинг иккала идишга баробар қуйилиши мумкин эмас. Чунки у вақт асбоб бўш бўлиб қолади. Баъзи файласуфларнинг фикрича, дунёда бўшлиқ йўқдир. Баъзисининг билдиришича, бўшлиқ бордир. Бўшлиқ жисмларни тутиб туради. Агар бўшлиқнинг бўлиши мумкин бўлмаса, асбоб сувдан бўшамайди. Агар у жисмларни тутиб турса, демак, сувни тутиб туради. Унинг ўрнини бошқа бирор жисм эгаллагандан кейин сув оқа бошлайди.

Асбобнинг бир тарафи паст бўлгач, ўша тараф (Ер) марказга яқин бўлади, сув ўша томонга оқади, сўнгра сув зарралари бир-бирларини ўзаро тортиш ва тутиниш (итарилиш) кучи натижасида сув тамом бўлгунча ёки ҳар икки идиш сатҳи баробарлашгунча давом этади.

"Осорул Боқия"нинг кейинги бетларида ҳавзалардаги сув баландлиги ва миқдорининг ўзгармаслик сабабларини изоҳлашда гидростатик ва атмосфера босимларини ҳисобга олувчи қуйидаги мисоллар келтирилади: "Абаршаҳр ва Тус шаҳарлари ўртасидаги тоғ бошида айланаси бир фарсаҳ (6 км) келадиган Сабзруд кўлининг суви; бу сувнинг чиқар жойи узоқ бўлса ҳам ё ундан юқори бир хазинадан бўлиб, офтобнинг қуритгани ва буғга айлантиргани миқдордаги сув келиб тушади, шунинг учун бир хилда туради ёки ўзгача бир хазинадан бўлиб, суви кўпаймайди. Ёки у кўлнинг чиқиш жойида даҳҳ сувларидаги ва "ўзига хизмат қилувчи чироқ"дагига ўхшаш бир сабаб бордир.

Шундайки, сув идишнинг ёки ёғ идишнинг лабидан бир неча жойни нозик раҳна (метрик) қилинса ва оғиздан пастроқ бир ерни жомда сув ва чироғдонда ёғ бўлувини таъмин қилар миқдорида торгина тешилса ва тўлдириб жомга ва чироқдонга тўнкарилса, шу вақт ёғ раҳналар воситаси билан тепага кўтарилгунча силжиб туради. Сўнгра жом ва чироғдонга чиққан сув ва ёғдан тешик ёпилиб қоларли миқдордагиси ишланиб кетса, яна тешикни бекитар миқдорида сув ва ёғ бир хилда қолади".

Берунийдан 600 йил кейин француз физиги Блез Паскаль суюқликларнинг мувозанат шартларини чуқур текширади ва юқоридаги ҳодисаларни суюқлик устунларининг юза бирлигига тўғри келадиган оғирлиги асосида тушунтиради.

МИНЕРОЛОГИЯ КИТОБИДА ФИЗИКА

Абу Райҳон Беруний ўзининг "Китобул жамоҳир фил маъруфатил жавоҳир" (Жавоҳирларни билиш учун умумий китоб), қисқача "Минерология" асарини ҳаётининг сўнги даврида, Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли Масъуд ҳукмронлигида Ҳиндистон ва Афғонистонда ёзган.

Беруний жаҳонда биринчи бўлиб, минералларни уларнинг физик хоссасига асосланиб турларга ажратган, қабариқ линзанинг катталаштириш хусусиятини биринчи бўлиб баён қилган.

У минерал **қаҳрабо** (янтар — электрон) устида алоҳида тўхталиб, тўлиқроқ маълумот берганлигини қуйидаги маълумотдан кўриш мумкин: "Исми унинг хоссасини англатади.Чунки у ўзига хасни тортади. Бошдаги сочга ишқалангандан кейин агар қиздирилмаса, чангларни тортади. Унинг номи румча (юнонча) электрон ва **адамантус**, сурёнча **дикна** ва **хайаннуфра**".

"Қаҳрабо" сўзи аслида форсча бўлиб, ках — хас, робо — тортувчи маъноларини англатади. "Электр" термини жаҳондаги кўпчилик халқларда ишлатилса ҳам араблар ҳозирги кунда электрни (радио, матбуот ва дарсликларда) Беруний термини билан "Қаҳрабо" деб атайдилар.

Берунийнинг магнит ҳақидаги фикрлари янада қизиқроқдир. Магнотис (магнит) тортишда қаҳрабога шерикдир. Жароҳатлардаги ўқларни ва томирларда қолган ништар учларини ҳамда майда темир кукунларини тортиб олишдаги кўп манфаатлари билан қаҳрабодан ортиқдир. Магнотис румча ном бўлиб, **арматиёкун, абиркалита** ҳам дейилади. Сурён тилида **кифошафат фарзло**, форсча эса **оҳанрабо,** яъни темирни тортувчи, ҳиндча **кадахак** ва **харбаж**. Бу сўзлар оҳанрабо маъносини англатади.

Китобда юқоридагилардан ташқари, минералларнинг солиштирма оғирликлари ва физик хоссалари билан бир қаторда, денгиз остидаги марваридларни топишда ишлатиладиган ғаввос кийимлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумот келтирилади.

Моддаларнинг солиштирма оғирлигини жаҳонда биринчи бўлиб Беруний тажриба асосида аниқ ўлчаганлиги фан тарихида, хусусан, физикада алоҳида ўрин тутади. Бу соҳада у махсус асбоб ясаб, уни ишлатишга ва моддаларнинг солиштирма оғирлигини аниқлашга оид "Металлар билан жавоҳирлар орасидаги ҳажмий нисбатлар ҳақида" асар ёзган.

Берунийнинг жисмлар ҳажмини аниқ ўлчаш учун янги консимон асбоби фақат ўз даврида эмас, балки ҳозирги кунда ҳам диққатга сазовордир.

Бу усулда Беруний ҳаммаси бўлиб 50 та модданинг (9 металл, 18 та суюқлик, 15 га яқин минерал ва турли жисмларнинг) солиштирма оғирликларини аниқлади. Шуниси қизиқарлики, китобнинг "Турли сувлар ҳақида кўрсатма ва қўлланма" деган IV бўлимида Берунийнинг бодринг, қовун сувлари, сирка, вино, сигир сути, ўсимлик мойи, асал, товуқ тухумининг оқи, кишининг қони солиштирма оғирликларини аниқлаши фақат физикадагина эмас, балки медицина, биология, техникада ҳам катта аҳамиятга эгадир.

"ИБН СИНО БИЛАН САВОЛ-ЖАВОБ"ДА ФИЗИКАГА ОИД МУНОЗАРАЛАР

Физика фани нуқтаи назаридан Беруний билан Ибн Синонинг савол-жавоблари ("Рисолатуш Шайх Раис Ибн Сино ила Абу Райҳон фи жавоби сайлахо" номли китоби) айниқса, диққатга сазовордир. Бу савол-жавоблар асосан 2 қисмдан иборат бўлиб, 18 та саволни ўз ичига олади. Биринчи қисми 10 та саволдан иборат бўлиб, Аристотелнинг "Осмон ҳақида", иккинчи қисмидаги 8 савол эса "Физика" китобларига оиддир.

Беруний билан Ибн Сино орасида жисмларнинг ҳаракати, Ернинг тортиш кучи, иссиқлик ўтказувчанлик, тиниқ жисм, Қуёш нурининг иссиқлик таъсири, жисмларнинг иссиқликдан кенгайиши, вакуум, линзаларнинг хусусиятлари ва бошқа физик ҳодисалар ҳақида илмий мунозаралар боради. Биз намуна учун ана шу савол-жавоблардан баъзиларини мисол келтирамиз.

Беруний 8-саволда атмосфера иссиқлигини тушунтириб, "Иссиқлик ҳаракат бараварида эканини, совуқлик ҳаракатсизлик бараварида эканини билганмиз. Фалак тез ҳаракат қилганида ўзига тегиб, келиб турган ҳавони қиздиради", деб ернинг шарсимон эканлигини билгани ҳолда, унинг ўз ўқи атрофида айланишини ҳисобга олиб, айланиш радиуси катта бўлганлиги учун экваторнинг қутбларга нисбатан тез ҳаракат қилиши туфайли иссиқлигини схема остида эслатиб, бу ҳақда Ибн Синонинг фикрини сўрайди. Ибн Сино эса уни рад қилиб, Аристотел фикри асосида "Оловнинг вужудга келиши фалак ҳаракати эмас, балки олов бир жавҳар (модда), ўзича бир унсур бўлиб, юмалоқдир", деб жавоб беради.

Беруний 9-саволда масалани анча кескин қўйди: у Ибн Синога "Агар иссиқлик марказдан узоқлашувчи бўлса, нима учун Қуёшдан бизга иссиқлик келиб туради? Ёруғлик моддами ё аразларми (сифатларми) ёки бошқа нарсаларми?", деб савол беради. Ибн Сино бу саволга жавобан иссиқлик ўтказувчаниқни қуйидагича изоҳлайди: "Билмак керакки, иссиқлик марказдан узоқлашувчи модда эмас, чунки иссиқлик ҳаракат қилувчи нарса эмас. Иссиқлик ҳаракат қилувчи жисмда бўлганидан, юриб турган кемадаги инсон каби араз воситаси билан ҳаракат қилувчи нарсадир".

Беруний Ибн Синога (оптика соҳасида) линзаларнинг катталаштириши ва улардан жисмларни Қуёш нури таъсирида қиздириш учун фойдаланиш мумкинлигини айтиб, китобнинг II қисми, биринчи саволида қуйидагиларни баён қилади: "Оқ юмалоқ, тиниқ бир шишани сув билан тўлдирилса, қуйдиришда юмалоқ тиниқ тош хизматини бажаради. Агар шиша сувдан бўшатилиб, ҳаво билан тўлдирилган бўлса, қуйдирмайди ва қуёш шуъласини тўпламайди, нима учун сув шундай бўлади, яъни сувли идишда қуйдириш кучи ва Қуёш шуъласини тўплаш қуввати пайдо бўлади?". Ибн Сино эса "Албатта, сув қалин, вазмин тиниқ бир жисм бўлиб, унинг зотида (таркибида) бир оз ранг бордир. Шундай сифатдаги ҳар қандай нарсадан ёруқлик аксланади (синади). Шунинг учун сув билан тўлдирилган шишадан ёруғлик аксланади. Шуъланинг тўпланишидан қуйдириш қуввати ҳосил бўлади. Аммо ҳаводан шуъла кучли аксланмайди. Чунки ҳаво ҳақиқатда тиниқдир. Агар у юмалоқ шиша ҳаво билан тўлдирилса, шишада кучли аксланиш ҳосил бўлмайди", деб жавоб қайтарди. Ҳозирги кунда эса юқоридаги каби сув солинган линзалар телевизорларда (кичик тасвирни катталаштириш учун) ва лазер қурилмаларида қўлланилади.

Юқорида айтилганидек, Беруний бўшлиқ (вакуум)нинг мавжудлигини бир қатор саволларда баён этади. Масалан: "Бизнингча, оламнинг ичида ва тошида бўшлиқнинг бўлмаслиги муқаррар бўлгач, нима учун шишанинг ҳавосини сўриб олиб, сувнинг тепасига тўнтарилса, у шишага сув юқорилаб киради?". Вакуумни тушунтиришда келтирилган бу мисол ҳозиргача ўз кучини йўқотган эмас.

Ибн Сино бу саволга "Сувнинг кўтарилиши" ҳавоси сўриб олинган вақтда идишнинг қизишидан, деб жавоб қайтаради.

Беруний моддаларнинг иссиқликдан кенгайишини ва совуқликдан торайишини жуда яхши билган. Шунга кўра бу ҳақда қуйидаги еттинчи саволни беради: "Агар жисмлар иссиқлик билан кенгайса ва совуқлик билан торайсалар, бутун кўзалар ва бошқа идишларнинг синиши, идишдаги нарсаларнинг кенгайиши сабабидан бўлса, нима учун ичидаги сув яхлаб қолган идиш ёрилади, синади?". Сувнинг ҳажм кенгайишидаги махсус хусусиятларни билмаган Ибн Сино вакуумни инкор қилиш асосида қуйидагича жавоб беради: "Жисм иссиқлик билан кенгайиб, кенгроқ жой талаб қилиб, кўзани синдирса, бас, шунга ўхшаш, жисм совиш билан кичикроқ жой олгач, идишда бўшлиқ пайдо бўлади. Натижада совуқлик идишни синдиргандир. Бунга табиатда ҳар хил ўзгаришлар ва мисоллар бордир. Ҳосил бўладиган кўп ҳодисаларга ўшалар сабабчидир. Лекин биз зикр қилган сўз масаланинг жавобига кифоядир".

Ибн Сино бу ерда нотўғри жавоб берган бўлса ҳам кейинроқ ёзилган "Қурозайи табииёт" китобида сув ҳажми кенгайишининг ўзига хос хусусиятини анча тўғри ва тўлиқ изоҳлайди.

Шундан сўнг Беруний олдингисига оид бўлган қуйидаги оқилона саволни беради: "Нима учун ях сув юзида бўлади, ҳолбуки, ях совуқлик билан қотиш сабабли ер табиатига яқинроқ эди?". Бунга Ибн Сино "Сув яхлаган вақтда сувда ҳаво бўлаклари қамалиб, яхни сув тагига тушишдан сақлаб қолади", деб жавоб қайтаради.

Бундан 600 йил ўтгач, италиялик машҳур физик Галилей худди ана шу тарздаги савол билан сув музлаган пайтда унинг солиштирма оғирлигининг ўзгариши ҳақидаги фикрни черковга қарши олдинга суради.

Булардан кўринадики, Беруний (X аср) билан Галилей (XVII аср) ўз саволлари орқали Аристотел таълимотидан қаноатланмаганликларини очиқ баён қиладилар. Абу Райҳон Берунийнинг аниқ фанлар соҳасидаги асарлари ўзидан кейин ўтган Шарқ олимлари фаолиятини тараққий эттиради. Жумладан, машҳур математик, астроном ва шоир Умар Хайём (1040-1123) Беруний асарлари ёрдамида қотишмаларнинг солиштирма оғирлигини математик усулда аниқлашни ишлаб чиққан. Абдураҳмон Ҳазиний (XII аср) эса моддаларнинг солиштирма оғирлигини аниқлаш учун махсус тарози "Мезонул ҳикмат"ни (Ҳикмат тарозиси) ясаб, бу ҳақда китоб ёзган. Хуросонлик Насриддин Тусий (1202-1274) ҳам минералларга оид махсус асари "Тансуқнома"ни ёзган бўлиб, бунда бир неча моддаларнинг солиштирма оғирлигини эслатиб ўтади.

Хоразмлик Умар Чағминий (XII аср) ва астроном Мирзо Улуғбек (1394-1449) Берунийнинг "Қонуни Масъудий" китобига шарҳ ёзиб, ундан амалиётда фойдаланганлар. Улуғбек обсерваториясининг ходими Ғиёсиддин Коший (XV аср) ўзининг "Мифтохул ҳисоб" ("Арифметика калити") китобида 30 га яқин моддаларнинг солиштирма оғирлигини унинг оғирлигига ёки ҳажмига нисбатан аниқлаб, Беруний асбобини баён қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиёлик машҳур олим Абу Райҳон Беруний табиат ҳодисаларини чуқур текшириб, жаҳон илм-фани хазинасига бой ва ўлмас мерос қўшган.

Эркинжон ЯРАШЕВ,
Бухоро вилояти, Ғиждувон шаҳридаги 1-мактабнинг физика фани ўқитувчиси

O'qituvchiga yordam

Hukmronlik o'zgargandan so'ng Xondamir temuriylar sulolasining qizg'in tarafdori bo'lgani bois Hirotdan ketishga qaror qiladi.

Bu safar u endi hech narsa yozmadi, balki berilgan hamma topshiriqlar haqida mushohada yurgizdi, fikran tahlil qildi va natijada buyuk alloma bo'lib yetishdi.

Buyuk siymolar

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ БУЮК МУТАФАККИРИ

Маълумки, XV асрнинг иккинчи ярми, XVI аср бошларида Хуросонда, айниқса унинг пойтахти Ҳиротда фан, адабиёт, тасвирий санъат, миниатюра ва наққошлик турлари, мусиқа илми ва хаттотлик кенг ривожланган эди. Ҳиротлик тарихчи Хондамир ўз асарлари билан ўз даври фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қўлёзмалар, замондошлари мероси орқали бизгача жуда кам маълумот етиб келган.

Она томонидан у "Ровзат ус-сафо" ("Мусаффолик боғи") асарининг муаллифи, машҳур тарихчи Мирхонд (Саййид Муҳаммад ибн Амир Бурҳонуддин Ховандшоҳ ибн Шоҳ Камолуддин Маҳмуд Балхий)нинг набираси бўлган. Отаси Хожа Жумомуддин Муҳаммад ўз замонининг зиёлиларидан ҳисобланиб, Султон Маҳмуд Мирзо Темурийнинг вазири эди. Хондамир 1473-1476 йиллар орасида Ҳирот шаҳрида туғилган ва ўша ерда таълим олган, деб тахмин қилинади. У тарих, адабиёт ва иншони пухта эгаллаб, йирик олим сифатида донг таратган.

Хондамирнинг олим бўлиб шаклланишига ўша давр маърифатининг ҳомийси Мир Алишер Навоий катта ҳисса қўшган. Жумладан, ўзининг бой кутубхонасидан фойдаланишга рухсат этган, илмий ишларига раҳбарлик қилган. Тарихчининг ўзи тўғрисидаги маълумотларга кўра, у Навоий қўлига ёшлик чоғидаёқ келган, дастлаб шоир кутубхонасида кутубхоначи, кейинроқ эса мудир бўлиб ишлаган.

Алишер Навоий вафотидан сўнг Хондамир Хуросондаги сиёсий воқеалар гирдобига тушади. Дастлаб у Балхга келиб, Султон Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли Бадиуззамон Мирзо саройида хизмат қилади. Айни шу пайтда Бадиуззамон Қундуз ҳокими Хусравшоҳни Шайбонийхон лашкарлари томонидан кутилаётган ҳужумдан Хуросонни ҳимоялашда иштирок этишга чақириш орзусида элчилар жўнатади. Хондамир элчилар қаторига қўшилиб шахсан ўзи Бадиуззамоннинг махсус топшириғини олади. Ўша даврда унга "садр" деб номланган юқори унвон ҳам берилган. Хондамир, Бадиуззамон топшириғига биноан, Шайбонийхонга қарши тузилган иттифоққа Қандаҳор ҳокимини бирлаштириш мақсадида у ерга жўнатилади. Аммо Бадиуззамон қизининг вафоти Хондамирни сафарни тўхтатиб, Ҳиротга қайтишга мажбур этади.

1507 йили у Шайбонийхон томонидан шаҳар забт этилишининг шоҳиди бўлади.

Ҳукмронлик ўзгаргандан сўнг Хондамир темурийлар сулоласининг қизғин тарафдори бўлгани боис Ҳиротдан кетишга қарор қилади. 1507 йилдан 1510 йилгача у Шимолий Афғонистондаги Башт қишлоғида бадиий ижод билан шуғулланди. Ҳирот тахтига Сафавийлар сулоласи келиши биланоқ Хондамир яна бу шаҳарга қайтади. Шоҳ Исмоил вафотидан сўнг Ҳиротдан буткул юз ўгириб, Қандаҳор томон жўнайди ва 1528 йили у ердан Ҳиндистонга, аниқроғи, бобурийлар пойтахти Аграга, яъни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурига ўтади.

Аграга келгач, у Бобурнинг яқин одамлари қаторидан жой олади ва Бенгалия ҳамда Ганг дарёси соҳили бўйлаб юриши пайтида унга ҳамроҳ бўлади. Бобур вафотидан сўнг Хондамир тахт вориси Ҳумоюн хизматида қолади. 1534 йили у билан бирга Гвалиорда бўлади ва Гужаротга юришида қатнашади. Айни вақтида у "Ҳумоюннома" асарини ёзади ва бу хизмати учун унга "Амир ул-муаррихин" ("Тарихчилар амири") унвони берилади. Хондамир 1534 йили Ҳумоюн билан Мандуга қайтиб келаётганда вафот этади, васиятига биноан Деҳлидаги кўҳна қабристонга Низомуддин Авлиё ёнига дафн этилади.

Хондамирнинг Амир Маҳмуд ва Саййид Абдуллахон исмли икки фарзанди бўлган. Амир Маҳмуд Шоҳ Исмоил ва Шоҳ Тохмасп ҳукмронлиги даври тарихини ёритган асарини 1550 йили тугатиб, Муҳаммадхон Шарафуддин Такалийга бағишлайди. Ушбу асар, "Ровзат ус-Сафавийа" ("Сафавийлар боғи")да келтирилган маълумотларга кўра, ўша давр олимлари ичида катта эътибор қозонган.

Хондамир олтмиш уч йиллик умри давомида тахминан ўн учта асар ёзган, шундан бизгача саккизтаси етиб келган. Булар қуйидагилар:

"Маъосир ул-мулук" ("Қамаср подшоҳлар тарихи") — Алишер Навоий сўрови ва унга миннатдорлик изҳори тариқасида 1498-1499 йилларда ёзилган. Асар бизгача тўрт нусхада етиб келган. Бири Британия музейида, учтаси Эрон кутубхоналарида сақланмоқда. Бу асар подшоҳ ҳамда қадимги донишмандларнинг хайрли ишлари ҳақида айтилган ҳикматли гапларни ўз ичига олади. Жумладан, Каюмарсдан Анушировнгача, Одам Атодан Бузургмеҳргача бўлган ҳамда Муҳаммад пайғамбар ва имомлар ҳақида битилган нақллардан иборат. Муаллиф уммавийлар ва бошқа сулолаларга тегишли ҳукмдорлар тарихи ва шулар қаторида курд подшоҳлари ҳамда турк ҳоқонлари тарихини ҳам ёритган. Асарнинг охирги қисмида Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийга замондош ҳукмдорлар, олимлар ва донишмандлар ҳақида маълумотлар берилган.

"Хулосот ул-ахбор фи баён ул-аҳвол ул-аҳёр" ("Хайрли кишилар аҳволини баён этиш борасида хабарлар хулосаси") 1498-1500 йиллар орасида ёзилган ва Алишер Навоийга бағишланган. Унда Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий замонида Ҳирот, унинг атрофида қурилган мадрасалар, ҳаммомлар, работлар, боғлар, кўприклар ва бошқа улкан қурилишлар, шунингдек, ўша замонда ўтган шоирлар, олимлар, шифокорлар, мусиқашунослар ва бошқа санъаткорлар ҳақида қимматли маълумотлар бор. Ушбу асар олти нусхада бизгача етиб келган. Тошкент ва Санкт-Петербург кутубхоналарида сақланиб келинмоқда.

"Макорим ул-ахлоқ" ("Олижаноб хулқлар") асари Алишер Навоийга миннатдорлик рамзи сифатида ёзилган. Лекин шоир вафот этиб, Хондамир унга китобни тақдим этишга улгурмаган. "Макорим ул-ахлоқ"да муаллиф улуғ шоирнинг юксак инсоний фазилати, олижаноб ахлоқий, асарлари, унинг ташаббуси билан қурилган бинолар, замондош шоирлар, олим ва фозил кишилар, шунингдек, Хуросоннинг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, Навоий билан Ҳусайн Бойқаро орасидаги муносабатлар хусусида ҳикоя қилади. Асарнинг икки нусхаси бизгача етиб келган. Улар Британия музейида. Асарнинг фотонусхасидан кўчирма ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Асар Кембрижда ва Кобулда икки марта нашр этилган.

"Дастур ул-вузаро" ("Вазирлар учун қўлланма") Алишер Навоий илтимосига кўра 1500-1501 йилларда ёзилиб, Ҳусайн Бойқаро ва унинг вазири Амир Камолуддин Маҳмудга бағишланган. Орадан тўққиз йил ўтгач, қайта ишланган ва кенгайтирилган. Унда Шарқ мамлакатларининг VII-XVI асрлардаги тарихи, жумладан, Мовароуннаҳр ва Хуросонда темурийлар сулоласи инқирозига қадар ўтган вазирлар, Чингизхоннинг вазири, кейинроқ мўғулларнинг Хитойдаги ноиби, хоразмлик Маҳмуд Ялавоч ҳамда унинг ўғли Чиғатойхонларнинг Моваройуннаҳрдаги вазири Маъсудбек тўғрисида маълумотлар бор. Ушбу асар етти нусхада бизгача етиб келган: тўрттаси Россия академиясининг осиё халқлари институтида, иккитаси бизнинг Шарқшунослик институтимизда ва биттаси Британия музейида сақланади.

"Номаи номи" ("Атоқли номалар")да 1521-1522 йилларда кечган воқеалар баён этилганидан келиб чиқиб, асар 1522-1523 йилгача ёзилган, дейиш мумкин, унинг бошқа номлари "Иншо-и Фиёсуддин" ёки "Иншо-и Фиёсий". Китоб турли мактуб ва фармонларни ёзиш қоидаларини ўргатувчи иншо илмига оид бўлиб, шарқ мамлакатларида ўтган тарихий шахслар — шоҳлар, ҳоқонлар, садрлар, қозилар, шайхлар ва шоирларга мансуб мактублар намуналарини ўз ичига олади. Унда подшоҳ ва хонларнинг ёрлиқ ҳамда фармонларидан намуналар кўчириш ва фармонларни битиш тартиблари ҳам баён этилган. Қимматли жиҳати шундаки, бу асар баъзи бир муҳим мансабларнинг (масалан, парвоначи, мунший, муставфий, иҳтисоб (муҳтасиб), қалонтар, мубошир, ҳофиз ва ҳоказолар) келиб чиқиши ҳамда мансаб эгаларининг ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари хусусида маълумотлар беради. Асарнинг ўнта нусхаси етиб келган. Улар Тошкент, Санкт-Петербург. Душанбе ва Британия музейи кутубхоналарида сақланмоқда.

Мирхонднинг "Ровзат ус-сафо фи сирот ул-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулофа" ("Халифалар, подшоҳлар ва авлиёлар ҳаётига оид мусаффолик боғи") асарига Хондамир томонидан 1522-1523 йилларда ёзиб тугатилган илова — еттинчи жилд. Қисқа номи "Ровзат ус-сафо". Асарнинг нусхалари кўп, улар Тошкент, Санкт-Петербург, Теҳрон, Британия музейи ва бошқа кутубхоналарда сақланмоқда. Литографик нашри ҳам бор.

"Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар" ("Инсон зоти хабарлари ва дўстнинг таржимаи ҳоли") Хондамирнинг энг йирик асари. 1520-1524 йиллар мобайнида ёзилган ва вазир Каримуддин Хожа Ҳабибуллоҳ Соважийга бағишланган. Асар номи ҳам қисман шу вазир номи билан боғлиқ. Китобда қадим замонлардан 1524 йилга қадар Шарқ мамлакатларида, хусусан, Эрон, Афғонистон, Ироқ ва Ўрта Осиёда содир бўлган воқеалар қаламга олинган. Асарнинг нусхалари дунёнинг деярли ҳамма йирик кутубхоналарида сақланади.

"Ҳумоюннома" китоби "Қонуни Ҳумоюн" номи билан ҳам машҳур, Ҳиндистон подшоси бобурий Ҳумоюн мирзога бағишланган ва 1534-1535 йиллари ёзиб тугатилган. Асардаги Ҳумоюн ҳукмронлик қилган даврда жорий этилган янгиликлар, аҳолини уч табақага, ҳокимиятнинг эса тўрт идора усулига бўлиниши ва Ҳумоюннинг меъморлик фаолияти ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир. Ушбу асар бизгача уч нусхада етиб келган: Санкт-Петербург, Теҳрон ва Британия музейида сақланади. Асар Калкуттада нашр этилган ҳамда инглизчага таржима қилинган.

Хондамирнинг қолган бешта асарининг фақат номлари маълум. Булар: "Осор ул-мулук ва-л-анбиё" ("Подшоҳ ва пайғамбарлар ҳақида ҳикоялар"), "Ахбор ул-аҳёр" ("Яхши инсонлар ҳақида хабарлар"), "Мунтахаб-и тарих-и Вассоф", ("Вассоф тарихидан сайланма"), "Жавоҳир ул-ахбор" ("Хабарлар гавҳарлари") ва "Ғаройиб ул-асрор" ("Қизиқарли сирлар") асарларидир.

Навоийнинг сўзларига қараганда, Хондамир "Нақий" тахаллуси билан шеърлар ҳам битган. Бироқ унинг тўплами бизгача етиб келмаган, лекин айрим парчалари "Макорим ул-ахлоқ", "Ҳумоюннома" ва бошқа асарларида учрайди.

Дилором ЮСУПОВА,
ЎзФА Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори

ШАРҚОНА УСТОЗ ВА ШОГИРД МУНОСАБАТИ

Ibrat

Барча масалаларда миллийлик ўз аксини топгани каби устоз ва шогирд муносабатларида ҳам турли халқларга хос хусусиятлар ўз аксини топади. Бинобарин шарқона устоз ва шогирд муносабати ҳам бошқа миллатлардан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади.

Шарқона устоз ва шогирд муносабатлари ҳақида кўплаб мутафаккирлар рисолалар битганлар, жумладан, XV асрда Ҳиротда яшаган Ҳусайн Воиз Кошийий "Футувватномаи султоний" номли рисоласида устоз ва шогирд муносабатлари ҳақида қуйидагиларни баён қилади: "Ҳеч бир иш устозсиз амалга ошмайди. Агар кимки бир ишни устозсиз қилса, у ишнинг асоси мустаҳкам бўлмайди. Киши қандай мартабага эришмасин, агар унинг мақбул раҳнамо устози бўлмаса, иши бирор натижа бермайди ва арзимас бўлади".

Ғайбуллоҳ ас-Салом устоз топа олмаган кишини саҳрода ёлғиз ўсаётган саксовулга, шогирди йўқ олимни эса фарзандсиз, таянчсиз одамга ўхшатган эди.

Шогирдга қўйиладиган шарқона талаб шундан иборатки, устоз ниманики айтса, шогирд уни жон қулоғи билан эшитиши, кўнгил билан қабул қилиши ва амалда адо этиши зарур. Шогирд учун энг яхши нарса пок эътиқоддир, фақат эътиқодгина муродга етказади. Шогирд роҳатни тарк этиш ва заҳмат чекиш асосида мард бўлиб ишга киришиши, сидқидилдан меҳнат қилиши, кўнгилни ва тилни бир-бирига мувофиқ тутиши, насиҳатга қулоқ солиши ва устоздан эшитганини ёдда тутиб, унга амал қилиши орқалигина мақсадга эришади.

Шарқона устоз ва шогирд муносабатларига шеърият мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоийнинг Фаридиддин Атторга, Абдураҳмон Жомийга, Ҳусайн Бойқарога бўлган ҳурмат — эҳтиромлари яққол мисол бўла олади.

Навоийнинг замондоши Муҳаммад Бадахший қуйидагиларни ҳикоя қилади: "Алишер ўз "Хамса"сини Султон Ҳусайнга бағишлаб тақдим этганда, подшоҳ айтди: "Бир можаро сиз билан бизнинг орамизда аллақачондан бери ҳал бўлмас эди, бугун шу ишни бир ёқлик қилайлик". Бу можаро шундан иборат эдики, Султон Ҳусайн Алишернинг муриди бўлишни кўпдан бери орзу қилар ва уни "пирим" деб атар эди. Алишер бунга жавобан: "Ё олло, ё олло, бу қанақа сўз бўлди. Аслида — биз муридмиз, сиз ҳаммамизга пирсиз", дер эди. Энди Султон Ҳусайн Алишердан сўради: "Пир нимаю мурид нима?". Алишер жавоб берди: "Пирнинг тилаги, муриднинг тилаги бўлиши керак". Шунда Султон Ҳусайн ўзининг оқ отини олиб келишни буюрди. Султон Ҳусайн айтди: "Сиз мурид бўлсангиз, мен пирингиз бўладиган бўлсам, истайманки, сиз мана шу отга минасиз, мен эса уни етаклайман". Алишер ноилож отга минишга мажбур бўлди. Алишер эгарга миниши билан Султон Ҳусайн отнинг жиловидан ушлаб, етаклай бошлади. Алишер пир бўлдию Султон Ҳусайн мурид бўлди. Алишер ҳушидан кетди. Уни эгардан кўтариб олдилар".

Ушбу воқеа ҳар бир инсон учун ибрат бўладиган, ўрнак олишга арзийдиган сабоқ сифатида хизмат қилади.

Устоз ва шогирд муносабатлари ҳақида гапириб Навоий шундай дейди:

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо ҳаққин онинг юз ганж ила.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, устоз ва шогирд муносабати ўзининг нозиклиги, мураккаблиги ва жиддийлиги билан ҳар икки томоннинг алоҳида эътиборини, ҳушёрлигини талаб этади. Бу ўринда биз доимо домла ва талаба муносабатида ибратли муомала намуналаридан сабоқ олишимиз, шарқона муносабатларга зид бўлган салбий ҳолатлардан ўзимизни асрашимиз лозим. Ўз хатти-ҳаракатларимиз, ҳулқимиз, илм-фанга, устозларга бўлган муносабатимизда шарқоналикка интилишимиз зарур, чунки биз эришган ҳар бир ютуқларимизда ҳурматли домлаларимиз ва муаллимларимизнинг ўрни, роли, меҳнати мавжуд. Бу ўринда қуйидаги ҳикматни келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз: "Агар мен Декартдан кўра узоқроқни кўраётган бўлсам, сабаби шуки, мен Декартдай бир алпнинг елкасида турибман" (Исак Ньютон).

Гулчеҳра САЙДАЛИЕВА

СОҲИБҚИРОН ЎТГАН ЙЎЛЛАР

Ўтган буюк аждодларимиз қолдирган маданий ва маърифий меросларни, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, ардоқлаш, ўрганиш ва керак бўлса уларни қайта тиклаш бугунги авлод олдидаги энг юксак вазифа ва бурч десак, хато бўлмаса керак. Мана шу бурчни амалга оширишнинг ўзи ҳам кўп савобли иш. Ана шундай эзгу ишга қўл урган ёш изланувчан, истеъдодли журналист Бахтиёр Ҳайдаров ўз мақсади йўлида яхши натижаларга эриша олган қаламкашлардан биридир. Зеро, унинг саёҳатнома жанрида битган "Соҳибқирон қиличи" номли ҳикоятлар, ривоятлар ва ҳикматлар асосида шаклланган тўпламини ўқисангиз, сиз ҳам шундай хулосага келишингиз, шубҳасиз.

"Тўплаган маълумотларим катта экспедициянинкидан нафақат фарқ қилиши, балки, бутунлай янги гаплар йиғишимга ишончим комил эди. Хуллас, катта иштиёқ билан ишга киришдим", деб ёзади муаллиф ўз китобида. Ҳақиқатан ҳам, комил ишонч ва иштиёқ билан бир ишга қўл урган инсон албатта ўз ниятига ета олиши мумкин эканлигини Соҳибқирон ўтган йўлларда велосипедда саёҳат қилган Бахтиёр Ҳайдаров амалда исботлай олган.

Китобни ўқир экансиз, негизида ҳақиқат ётган ривоятлар, пурмаъно ҳикматлар ичидан ажойиб, ҳали эшитмаган — билмаган маълумотларга кўзингиз тушади. Масалан, "тархон" (озод), "Чиноз" (Чин, яъни Хитойга оз қолди), "қовчин" (қавми чин, хитой қавми) каби сўзларнинг маъноларини, бухороча, фарғонача миллий курашларимиздан ташқари яна бир миллий — "Минг аскар" номли жанговар курашимиз ҳам борлигини билиб оласиз. Шаҳрисабз, Самарқанд шаҳарлари тарихи, жумладан, етти иқлимга машҳур Оқсарой тарихига оид қизиқарли маълумотлар билан танишасиз.

Китоб равон тилда, меҳр билан самимий ёзилган. Шу сабабли уни ўқишга киришсангиз, охирги саҳифага етиб қўйганингизни сезмай қоласиз. Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги сон-саноқсиз китоблар, асарлар ичида Б.Ҳайдаровнинг ушбу китоби ҳам ўзининг муносиб ўз ўрнига эга бўлишига ишонамиз.

Moziydan sado

ТАРИХДАГИ МУҲИМ ДАВР

Илм-фан тараққиётида «араб даври» деб номланган VIII-XII асрларга жуда кўп халқлар вакиллари ҳисса қўшганлиги тарихда маълум. Жумладан, Ўрта осиёлик ватандошларимиз Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Фаробий, Ибн Сино ва бошқа жуда кўп олимларни ана шу даврнинг йирик намоёндалари дейиш мумкин. Бу давр ва ҳудудлар олимларини умумийлаштириб турган нарса бу уларнинг араб тилида ижод қилганликларидир. Бу ҳақда такрорлаб ўтирмоқчи эмасмиз. Асосий эътиборни араб даври билан ҳозирги кунни боғлаб турган айрим кўприкларга қаратиш ниятидамиз. Шуниси эътиборга лойиқки, бу давр фани шунчаки фан бўлибгина қолмай, у ташкилий хусусиятга эга яъни, тизим шаклини олган билимлар мажмуидан иборат эди. Бу ҳолат ҳозирги замонда биз ўрганиб қолган мезонлар (стандартлар) нуқтаи назаридан тушунарсиз туюлиши мумкин, лекин ўша даврда фани учун жуда катта инқилобий янгилик бўлган. Гап бу ўринда университетлар ва академиялар ҳақида кетмоқда. Қадимги Грециядa университетлар бўлмаган, у ерда мактаблар очилган. Аристотел, Платон ёки Демокрит каби олимлар ўз мактабларига эга бўлишган. Бу мактабларда бир неча кишигина бу олимларнинг сабоқларини тинглашган, қарашларини ўрганиб, тарғиб этишган ва ривожлантиришган. Мактаблар демократик характерда бўлиб, ўқиш ихтиёрий, хоҳласа келишар, хоҳламаса келишмасди.

Кўпчиликни тўплаб, уларга чуқур-роқ билим берадиган муассасаларни яратиш фикри грекларда йўқ эди. Бу ғоя арабларда туғилди. Катта ёшдаги илмга чанқоқ одамларга диний ва дунёвий фанларни чуқур ўргатадиган муассасалар обрўли масжидлар қошида ташкил этилди ва улар мадраса деб номланди. Мана шу махсус ўқув юртлари жаҳон тарихидаги биринчи университетлар эди. Мадраса Грециядаги каби ихтиёрий жой бўлмай, балки таълим жараёни махсус тайёргарликка эга бўлган фан ўқитувчилари — мударрислар томонидан маълум бир режа асосида, бирор фан йўналиши бўйича ташкил этиларди. У ерда толибларнинг сони чекланмас эди ва одатда улар сони кўпчиликни ташкил қиларди. Шу тариқа Ислом маорифи (мактаб, мадрасалар) катта ҳаётий аҳамият касб эта борди. Қорахонийлар даврида ҳар бир қишлоқ ёки маҳаллада биттадан мактаб, шаҳарларда эса мадрасалар очилган. Бошланғич диний мактабларда хат, савод ва Қуръони каримни ўрганиш тарбияси олиб борилган, адабиётдан илк сабоқлар берилган. Мадрасаларда Қуръон тафсири, ҳадис, фиқҳ, араб тили фонетикаси (шипохия), морфология (сарф), синтаксис (нахв), адабиёт бўйича фасоҳат илми, балоғат илми, аруз илми, ёзувчилик, хаттотлик, саҳҳоблик, наққошлик, таржимонлик ва қўшимча тарих ўқитилган. Риёзиёт бўйича ҳисоб, ҳандаса, (геометрия), илми нужум (астрономия), алжабр (алгебра), мусиқашунослик, ҳикмат бўйича илоҳиёт, фалсафа, мантиқ, метафизика, физика, кимё, табобат, жўғрофия илмлари, шунингдек, сиёсат, ахлоқ, одоб, оила бошқаришни ўргатиш мақсад қилиб олинган эди.

Туркистон аҳолиси исломиятни янги қабул қилган даврда ислом мадрасалари илғор фикрли уламолару давлат арбоблари етиштириш, аҳоли миллий онгини ва ижтимоий ахлоқ ўлчамларини исломият руҳида бирликка келтиришда катта роль ўйнади. Оқибатда исломлашган маданият вужудга келди. Туркистонда илоҳият илмини бошқарувчи диний олимлар етишиб чиқди, улар асосан Қуръони каримни тафсирлаш, ҳадисларни шарҳлаш, фиқҳшунослик ва илоҳият назариясини тадқиқ қилиш билан шуғулланишарди. Шу ўринда ўша даврнинг буюк исломшунос олими Ғаззолийнинг ҳаётига алоқадор бир лавҳани келтириб ўтиш ўринли бўлса керак.

X асрда яшаб ижод қилган Ал-Ғаззолий ўз ҳаётининг дастлабки даврларида Эроннинг Рай шаҳридаги машҳур университетга ўқишга бориб, тўрт йил ўқийди. У Райда ўқитиладиган барча курсларни — фалсафа, метафизика, математика ва у ерда ўқиш-ўрганиш мумкин бўлган фанларни ўзлаштиргач, ўз она шаҳрига йўлга тушади. Камбағал бир илми толиб бўлганлиги учун она юрти томон кетаётган бир карвонга эргашишдан ўзга чораси йўқ эди. Йўлда уларни бадавий қароқчилар тўдаси тўхтатади ва бор-йўғини олиб қўяди. Ал-Ғаззолий ўз ёзувларини кичкинагина хуржунга солиб олган эди. Қароқчилар ўша хуржунни ҳам олиб қўйишади. Шунда Ал-Ғаззолий қароқчилар тўдаси бошлиғининг олдига боради-да, ундан хуржуни ва ёзувларини қайтариб беришларини сўрай туриб, «Сизлар барибир уни ўқий олмайсизлар, мен эса бу ёзувлар учун 4 йил умримни ўтказдим», дебди.

Бадавий қароқчилар бошлиғи Ал-Ғаззолийнинг хуржунини у томонга улоқтирди-да, «Мен сени мадрасага билим олиш учун боргансан десам, сен бошқалар ёзган нарсаларни кўчириб келгани борган экансан-да» дейди. Қароқчи бадавийнинг бу сўзлари Ал-Ғаззолийга шу қадар таъсир этадики, у яна Рай шаҳрига қайтиб келди ва мадрасада такрор 4 йил ўқиди. Бу сафар у энди ҳеч нарса ёзмади, балки берилган ҳамма топшириқлар ҳақида мушоҳада юргизди, фикран таҳлил қилди ва натижада буюк аллома бўлиб етишди.

Ҳозирги Ғарб давлатлари университетларининг ўзига хос урф-одатларини биламиз. Масалан, университетларда тантанали маросимлар ўтказилганда талабалар ва профессор—ўқитувчилар кийиб оладиган тўқ рангли қалин матодан тикилган кийим — мантия ва ўзига хос бош кийими бевосита ислом университетларнинг анъанаси бўлганини ҳамма ҳам билавермайди.

Ислом дунёси олимлари ўз олдига қўйилган вазифаларни аъло даражада бажаришгани бугун яна бир карра ўз ифодасини топмоқда. Улар грекларнинг бой илмий хазинасини чуқур ўрганиб чиқиб, уларни таҳлил ва тафсир этдилар. Бу уларнинг жаҳон илм-фан тараққиётига қўшган тенгсиз ҳиссалари эди. Жаҳоншумул аҳамиятга молик ишда ватандошларимиз Ал-Фарғоний, Ал-Фаробий, Ал-Беруний ва Абу Али ибн Синонинг дунёвий, Ал Бухорий, Ал-Мотрудий, Ат-Термизий, Ал-Марғиноний, Аз-Замахшарийларнинг исломий фанларни ривожлантиришдаги ҳиссалари билан бугунги авлод ҳам фахрланмоқда.

Акром ҚЎЛДОШЕВ
Ўзбекистон ДавлатЖаҳон тиллари университети доценти

Sifat bosqichining asosiy talabi ham o'quvchi-talabaning fan asoslarini an'anaviy va zamonaviy usullarda egallashiga sharoit yaratishdan iborat.

Ota-ona farzandining qayerda, kim bilan yurganini bilmasa, surishtirmasa, o'qituvchisi o'quvchisi nega maktabga kelmayotganligi bilan qiziqmasa, mahalla qo'mitalari hech qanday hujjatsiz, qarovsiz yurgan bolalarni so'rab-surishtirmasa, albatta bolalar ko'chaga, yengil hayotga o'rganadi, yomonlar ta'siriga tushadi.

САНЪАТ СОҲАСИНИНГ ТАНТАНАСИ

Бунга Ўзбекистон Давлат Консерваторияси мисолида амин бўласиз

Milliy dastur: sifat bosqichi

2001-2005 йиллар миллий дастурнинг сифат босқичини амалга ошириш даври бўлиб, ҳозирги вақтда ҳар бир таълим муассасаси — хоҳ мактаб, хоҳ лицей, хоҳ коллеж ёки институт бўлсин, ўз имкониятларини ахтармоқда ва юзага чиқармоқда. Сифат босқичининг асосий талаби ҳам ўқувчи-талабанинг фан асосларини анъанавий ва замонавий усулларда эгаллашига шароит яратишдан иборат. Шароит деганда эса, таълим тизимидаги ўзгаришлар, янгилик ва тажрибалар тушунилади.

Ўзбекистон Давлат Консерваториясида миллий дастурнинг сифат босқичи ижросига қай тарзда ёндашиляпти?

Консерватория республикамизда санъатнинг ривожланишига, демак, халқнинг санъат билан яқинлашувига имкон яратадиган нуфузли даргоҳ ҳисобланади. Ўтган йили консерватория эски бинодан киши кўрса кўзи қувонадиган муҳташам кошонага кўчирилди ва у Президентимиз таклифи билан Ўзбекистон Давлат Консерваторияси деб аталмоқда. Айтиш мумкинки, ҳам қадимий, ҳам бугунги меъморчилик услубларини ўзида мужассам этган бу даргоҳнинг шарт-шароитлари эски бинодагидан ер билан осмонча фарқ қилади. Аввалги бинода назарий ва амалий машғулотлар учун бор-йўғи 62 та синфхонаси мавжуд бўлиб, талабалар икки-уч сменада ўқишар, домлалар эса тун ярмигача қолиб, баъзан саҳармардон иш бошлашларига тўғри келар, бу эса уларнинг нормал ҳаёт тарзига ҳам таъсир қиларди.

Янги бино эса консерватория педагогик жамоасининг бу муаммоларини ҳал этди. Улар ихтиёридаги 300 дан ортиқ синфхонада турли ихтисосликларни навбат кутмай, бемалол ўргатиш имконияти юзага келди. Синфхоналар ўзбек миллий мусиқа асбобларидан тортиб, Европа чолғу воситалари билан ҳам таъминланганки, консерваторияда меҳмон бўлаётган хорижлик мусиқашунослар ҳам бу чинакам маънодаги санъат соҳасининг тантанаси эканлигини эътироф этишмоқда.

Таълим жараёнининг асосий негизи дарслик ва қўлланмалардир. Сир эмаски, Ўзбекистон мустақилликка эришмаган йилларда консерваторияга ўқув манбалари фақат Москвадан келтирилар, гўёки ўзбек мусиқа санъати йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деган фикрга маҳкам ёпишиб олган эдилар. Лекин орадан кўп ўтмай, яъни, Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг бу фикр ўз-ўзидан барҳам топди. Давлат таълим стандартларига жавоб берадиган юзлаб дарслик ва ўқув қўлланмаларининг кейинги йилларда бирин-кетин пайдо бўлиши бир жиҳатдан собиқ шўро тузумидаги ёлғон сиёсатга нуқта қўйди, бир томондан ўқув жараёнининг сифат босқичи сари кўтарилишига имкон яратди. Шуниси эътиборга моликки, ўқув адабиётларининг барчаси консерваторияда меҳнат қилиб келаётган устоз-ўқитувчилар томонидан яратилди. Рифатилла Қосимовнинг "Уд, Танбур", Баҳодир Солиҳовнинг "Дамли чолғулар", Виталий Мелкоминийнинг "Школа игры на блок флейте", Анвар Лутфуллаевнинг "Чанг", Мурод Тошмуҳаммедовнинг "Ғижжак", Мирза Тоировнинг "Най", Ҳабибулла Раҳимовнинг "Партитура ўқиш" сингари дарслик ва қўлланмалари кейинги икки-уч йилда яратилган ўқув адабиётларидир. Бундан ташқари, таниқли бастакор Аваз Мансуровнинг умумтаълим мактаблари 5-синф мусиқа дарслиги 2002 йилнинг шу йўналишдаги энг яхши дарслиги деб топилди.

Маълумки, ҳар бир олий таълим муассасасида ўқув жараёни кафедраларга тақсимлаб чиқилади. Шундай қилинмаганда эди, таълим аралаш-қуралаш, сансалорлик ҳолатига келиб қоларди. Кафедра тизими эса шуниси билан тан олинганки, улар орқали талабага бир вақтнинг ўзида турли йўналишдаги билим асослари етказилади. Консерваториядаги 23 та кафедранинг асосий қисми санъат соҳасининг у ёки бу йўналишини қамраб олган. Янги таълим йўналишлари йўлга қўйилишини ҳаёт тақозо этаётир. Кейинги йилларда мусиқий таълим, эстрада хонандалиги, эстрада чолғу ижрочилиги, мусиқий овоз режиссёрлиги йўналишлари ва мутахассисликлари очилди. Бакалаврликда 15 та, магистратурада ҳам 15 та мутахассисликни эгаллаш имконияти бўлган консерваторияда бир қанча янги кафедраларнинг тузилиш зарурати келиб чиқди. "Мусиқий овоз режиссёрлиги ва информатика", "Эстрада хонандалиги", "Эстрада чолғу ижрочилиги", "Мусиқий танқидчилик ва журналистика" кафедралари иш бошлади. Мутахассисликни пухта эгаллашга ёрдам берувчи бу кафедраларга соҳанинг билимдон, етук мутахассислари раҳбар қилиб тайинландики, айни чоғда улар ўзларига яқин ва ёндош кафедралар билан баҳамжиҳатликда иш олиб боришмоқда. Деярли барча кафедралар ҳам қайсидир жиҳатдан янгилик яратишга, тажрибаларни синаб кўришга, танлов ва фестиваллар ўтказишга жазм этишмоқда. Шу ўринда кафедра мудирларидан айримларининг фикрларини тинглаб кўрсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Надим Норхўжаев, "Эстрада чолғу ижрочилиги" кафедраси мудири:

— Бу йўналиш аслида ҳаётда ўз кўринишига эга бўлса ҳам, таълимда у ҳали шаклланмаган эди. Шунарса аёнки, халқимиз орасида таниқли эстрада хонандалари кўп. Лекин улар мактаби илмий жиҳатдан асослаб берилган эмас. Кафедра ана шу мақсадда ташкил этилган. "Ижрочилик амалиёти", "Педагогик амалиёт", "Жаҳон классик мусиқий адабиёти", "Сальфеджо", "Гармония" сингари курсларга ажратилган дарс соатлари кўпинча амалий руҳда ўтади. Яъни, "Бигбен" (катта оркестр) синфи ташкил этганмизки, унда 20 нафар талаба турли эстрада чолғу асбоблари воситасида аввало ўзбек бастакорлари — Энмарк Солиҳов, Хушнуд Назаров, Дилшод Қурбоновларнинг, қолаверса, ғарб ва рус мусиқаси классиклари — Моцарт, Бетховен, Бах, Чайковскийларнинг ўлмас асарларини ижро этишади. Кейинги икки йил мобайнида катта оркестр синфининг 26 марта концерт берганлигини жуда катта ижобий ҳодиса сифатида айтиб ўтмоқчиман.

Офелия Юсупова, "Махсус фортепьяно" кафедраси мудири:

— Фортепьянони ҳар қандай мусиқа мутахассиси чала олиши, англай билиши керак. Уни нота-лар асосида чала олган мутахассис бошқа чолғу асбобини қўлига олганда қийналмайди. Мумтоз бастакорлар — Бетховен, Бах, Моцарт ўзларининг шоҳ асарларини фортопьяно учун яратишган.

Кафедрамизда ҳар хил танлов ва фестиваллар ўтказишга катта аҳамият берилмоқда. 2002 йилнинг октябрь, ноябрь, декабрь ойларида бўлиб ўтган "Прометей" фестивали Бетховен асарлари ижросига бағишланди. Унда Ўзбекистондаги Германия элчиси ҳам қатнашиб, талабаларнинг машҳур немис бастакори асарларини маромига етказиб ижро этганидан ҳайратга тушди. Кечагина мустақиллиги эълон қилинган давлатда мусиқанинг бу қадар ривожланиши уни таажжубга солмай иложи йўқ эди.

Барно Аҳмаджонова, Сайёра Ғофуроваларнинг стажировка ва халқаро фестивалга бориб келиши ҳам кафедрамизнинг ютуғидир.

Ноира Шарафиева, "Хор дирижёрлиги" кафедраси мудири:

— Республикамизда бадиий хор жамоалари анчагина. Лекин хор санъати ҳали халқимизнинг онгига чуқур сингишиб кетмаяпти. Демак, халққа шу нарсани етказишимиз керакки, хор санъати жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Хор жамоаси репертуаридан ўрин олган қўшиқларда Ватан, халқ озодлиги куйланади, умуминсоний қадриятлар тараннум этилади. Уни тинглаганлар онги ва шуурига худди шу туйғулар кириб боради.

"Хор дирижёрлиги" кафедраси консерваториянинг фахри ҳисобланади. Бу йил у 60 ёшга тўлади. Шу муносабат билан 17-18 апрель кунлари республикамиздаги барча хор жамоаларининг катта фестивалини ўтказиш мўлжалланмоқда. Фестивалда 60 кишилик консерватория хор жамоаси бош иштирокчи ҳисобланади.

Ҳар қайси таълим масканида кўпчилигимиз кузатадиган анъанани қиқий овоз режиссёрлиги ва информатика", "Эстрада хонандалиги", "Эстрада чолғу ижрочилиги", "Мусиқий танқидчилик ва журналистика" кафедралари иш бошлади. Мутахассисликни пухта эгаллашга ёрдам берувчи бу кафедраларга соҳанинг билимдон, етук мутахассислари раҳбар қилиб тайинландики, айни чоғда улар ўзларига яқин ва ёндош кафедралар билан баҳамжиҳатликда иш олиб боришмоқда. Деярли барча кафедралар ҳам қайсидир жиҳатдан янгилик яратишга, тажрибаларни синаб кўришга, танлов ва фестиваллар ўтказишга жазм этишмоқда. Шу ўринда кафедра мудирларидан айримларининг фикрларини тинглаб кўрсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Надим Норхўжаев, "Эстрада чолғу ижрочилиги" кафедраси мудири:

— Бу йўналиш аслида ҳаётда ўз кўринишига эга бўлса ҳам, таълимда у ҳали шаклланмаган эди. Шу ши ҳам кафедрамизнинг ютуғидир.

Ноира Шарафиева, "Хор дирижёрлиги" кафедраси мудири:

— Республикамизда бадиий хор жамоалари анчагина. Лекин хор санъати ҳали халқимизнинг онгига чуқур сингишиб кетмаяпти. Демак, халққа шу нарсани етказишимиз керакки, хор санъати жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Хор жамоаси репертуаридан ўрин олган қўшиқларда Ватан, халқ озодлиги куйланади, умуминсоний қадриятлар тараннум этилади. Уни тинглаганлар онги ва шуурига худди шу туйғулар кириб боради.

"Хор дирижёрлиги" кафедраси консерваториянинг фахри ҳисобланади. Бу йил у 60 ёшга тўлади. Шу муносабат билан 17-18 апрель кунлари республикамиздаги барча хор жамоаларининг катта фестивалини ўтказиш мўлжалланмоқда. Фестивалда 60 кишилик консерватория хор жамоаси бош иштирокчи ҳисобланади.

Ҳар қайси таълим масканида кўпчилигимиз кузатадиган анъана бор. У ҳам бўлса, жамоа таркибига ёш ва иқтидорли кадрларни тортишдир. Даргоҳда ишлаб келаётган катта авлод вакиллари сафига ёшларни жалб қилиш устоз-шогирдлик муносабатларининг бир кўриниши ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, консерваторияга кейинги икки йил мобайнида 6 нафар битирувчи аспирантурага олиб қолинди. Айни пайтда улар ассистент вазифасида иш бошлаб, илмий тадқиқотларини ҳам бошлаб юборишди.

Консерваториядаги таълим ҳолатини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришнинг яна бир шакли компьютер технологияларида намоён бўлмоқда. Бу ҳақда ўқув ишлари проректори, профессор Аваз Мансуров шундай деди:

— Маданият ишлари вазирлиги тасарруфида бўлганимиз учун унинг раҳбарияти муассасамизни имкон даражасида моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Янги бинода иш бошлаганимиздан сўнг энг сўнгги русумдаги компьютер технологияларидан 50 донаси келтирилди. Мусиқа санъатини тарғиб-ташвиқ этиш, у ҳақдаги энг сўнгги маълумотларни олишда бу технология жуда қўл келади. Интернетга улансак, қандайдир янгилик топамиз. Ноёб, кам нашр қилинган ўқув адабиётларини аста-секин компьютер файлларига жойлаштиряпмиз.

Малака ошириш узлуксиз таълимнинг зарурий халқаси. Шу ўқув йилининг бошидан консерватория қошида соҳа мутахассислари учун малака ошириш факультети ташкил топди. Умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, махсус мусиқа билим юртлари, санъат йўналишидаги институтлар, Бадиий академия, педагогика институтларининг мусиқадан дарс берувчи мутахассислари ана шу факультетдаги бир ойлик курсларга таклиф қилиниб, малакалари оширилмоқда. Бу тизимнинг талабига кўра, мутахассислар ҳар беш йилда қайта тайёрлаш курсларидан ўтишлари керак. Курс тингловчилари сони аслида 120 нафардан кам бўлмаслиги керак. Лекин олис вилоятлардан келувчиларни ётоқхона билан таъминлаш муаммоси уларни сон жиҳатдан қисқартиришни тақозо этмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимияти бу муаммони ҳал қилишга ваъда берган.

Консерваторияга фақат ўрта махсус мусиқа ўқув юртларини битирган ёшлар аввало ижодий имтиҳондан ўтгач, сўнгра тест синовлари асосида қабул қилинади. Айни вақтда ўрта маълумотлию бадиий ҳаваскорлик соҳасига қизиқиб, маълум бир ютуқларга эришган ёшлар учун пуллик курслар ҳам очилган. Бу курсларда улар 1-2 йил давомида ўқиб, амалий ва назарий билим эгаллашади. Курсни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома эса уларга консерваторияга қабул синовларини топшириш ҳуқуқини беради.

Юқорида келтирилган маълумотлар консерватория ҳаётидаги ижобий, дадил қадамлардир. Даргоҳдаги кундалик ҳаёт бир-бирига нақадар ўхшаш ва такрор бўлмасин, бунинг замирида ягона эзгу муддао ётади: бугунги кунга мос, етук, ўзига бошқаларни эргаштира оладиган хонандаю созандани тайёрлаб бериш. Аммо ана шу жараёнда баъзан жузъий, баъзан бир-бирига боғлиқ муаммолар ҳам учраяптики, булар таълим сифатига тўсиқ бўлмай иложи йўқ.

Хусусан, тўлов-контракт асосида ўқиётган талабаларга тўлов муддатининг йил охирига қадар узайтирилиши унчалик мақбул эмасдек кўринади. Сабаби, у ойлаб ўқишга келмай, чаламулла бўлиб қолаётир, хаёлида пул ишлаб топиш фикри. Тўлов-шартнома сумасининг илк 50 фоизини вақтлироқ тўлаш мажбурий қилиб қўйилса, талаба хотиржам юриб, ўқишга тўлиқ қатнашарди. Бундан ташқари, консерваторияда 3 йиллик сиртқи таълим ўрнига магистратуранинг сиртқи шаклини йўлга қўйиш муддаога мос бўларди. Магистратурага кирувчилардан ариза олинаётганда танлаган мутахассислиги бакалавриат йўналишига мос келишини қатъиян белгилаб қўйиш лозим.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Давлат Консерваториясидаги бугунги таълим серқирра, серқўлам. Ўқув юрти биносидаги хилма-хил мусиқа садолари ҳам, талабалар шовқин-суронию, профессор-ўқитувчилар баҳс-мунозараси ҳам, хорижлик ҳамкорлар ташрифию қандайдир маърифий тадбир ҳам бир қарашда кишини шундай хулосага олиб келади: мамлакатимиздаги санъат соҳасининг ривожи кўп ҳолларда ана шу даргоҳдаги саъй-ҳаракатларга ҳам бориб тақалади.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА,
"Маърифат" мухбири

ЗИЁ ЙЎЛИДА

Дунёда касблар кўп. Бироқ шундайлари ҳам борки, уларнинг соҳиблари доимо эл-юрт хизматида бўлишади. Ана шундай касблардан бири муаллимликдир.

Қайтар Тошназаров мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ, машақкатли, айни пайтда, шарафли ўқитувчилик касбини танлади. Унинг айнан мана шу касбни танлашига ўзи туғилиб ўсган мўъжазгина Мавлон қишлоғида ўша пайтлари ўқитувчиларнинг камлиги туртки берган бўлса ажабмас. Қайтар ака мактабни битириб, Самарқанд Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига кириб ўқиди. Ўқишни битириб, ўзи туғилиб ўсган қишлоқдаги Воҳид Абдуллаев номидаги 72-ўрта мактабда фаолият кўрсата бошлади. Ундаги қобилият ва истеъдодни сезган Каттақўрғон туман халқ таълими мутасаддилари уни 1986 йили мактаб директори лавозимига тайинлашди. Шундан бери устоз минглаб шогирдларни тарбиялаб етиштирдики, уларнинг кўпчилиги бугунги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб келишмоқда.

— Бугун мамлакатимизда зиёлиларга катта эътибор берилаётгани қувонарли. Айни пайтда бу-

Ta'lim fidoyilari

нинг масъулияти ҳам бор, — дейди Қ.Тошназаров. — Айниқса, яқинда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан болалар спортини ривожлантиришга доир қилинаётган ишларни кўриб ғурурланасан, киши. Зеро, Ватанимиз тараққиёти ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсишига боғлиқ эканлиги кундай равшан. Биз айни кунларда мактабимизда дарс бераётган ўқитувчиларимизнинг билим ва савияларини ошириш учун керакли чора-тадбирни кўраяпмиз. Иложи борича, олий маълумотли ўқитувчиларни ишга таклиф этиб, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришга интилмоқдамиз. Тадбирларимиз ўз вақтида жуда яхши самара бермоқда. Яқингинада туманимизда мактабларо ўқувчиларнинг билим ва савияси бўйича бўлиб ўтган танловда мактабимиз ўқувчилари иккинчи ўринни олишди.

Дарвоқе, бугун мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама етук, комил инсон бўлиб етишиши учун ҳукуматимиз томонидан кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Марказдан олис қишлоқлардаги халқ таълими муассасаларида таълим беришни замон талаблари даражасида олиб бориш Қ.Тошназаров каби ўз устида ишлайдиган, талабчан раҳбарларга боғлиқ эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Ўктам ҚИЛИЧЕВ

ЮТУҚЛАР ЗАМИРИДАГИ ЎҚУВЧИЛАР ЛАЁҚАТИ



Litseylar hayotidan

Пойтахтимиздаги 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти қошида 1995 йилдан фаолият кўрсатиб келаётган тиббиёт лицейи, мана бир неча йилдирки, мамлакатимизда тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртларига ўқувчи-ёшларни тайёрлаб келаётган ЎМКҲТ муассасаларидан бири бўлиб, бу ерда эришилаётган ҳар бир ютуқ лицей педагогларининг тинимсиз изланишларию ўқувчиларнинг чуқур билимига бориб тақалади.

— Эртанги тараққиётимиз келажак қўлларида бўлган бугунги ёшлардан билимдонликни, тезкорликни, истеъдод, интилувчанлик ва энг муҳими, ақл-заковатни талаб этади, — дейди лицей директори, тажрибали педагог Ғулом Жалолов. — Ана шундай юксак мақсадни тўғри англаган лицейимиз педагогик жамоасининг ҳар бир аъзоси ёш авлодга бугунги кун талаблари даражасида чуқур билим бериш йўлида доимо изланиб келмоқда...

Умуман олганда, мазкур лицейни республикамизда кўзга кўринган илмгоҳлардан бири десак, янглишмаган бўламиз. Хусусан, лицейнинг ўтган 2002 йилдаги битирувчиларидан қарийб 98 фоизи айни кунда олий ўқув юртларининг талабалари сафида ўқишини давом эттираётганликлари ҳам фикримизни исботлайди.

Бундан ташқари, ҳар йили ўтказилиб келинаётган фан олимпиадаларининг шаҳар ва республика босқичларида ҳам лицей ўқувчилари муносиб қатнашиб, совриндорлар қаторидан жой олиб келмоқда. Масалан, 2001 йилда лицей ўқувчиси Шухрат Шомуқимов республика фан олимпиадасида биология фанидан биринчи ўринни эгаллаб, ҳозирги кунда 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида ўқимоқда. Бу йил ҳам ана шундай билимлар синовининг шаҳар босқичида биология фанидан Азизбек Шомаърупов, рус гуруҳларида рус тили ва адабиёти фанидан Нелля Львова, кимё фанидан Васила Нўъмонова, физика фанидан Абдумажид Бойбеков каби ўқувчилар ғолиб бўлишиб, республика босқичида ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Натижада лицей битирувчиларидан А.Шомаърупов ва Н.Львовалар ғолибликни қўлга киритиш билан бирга имтиёзли равишда муддатидан илгари олий ўқув юрти талабаси ҳам бўлишди. 10-синфлар ҳажмида биология ва кимё фанларидан қатнашган Мукамбар Содиқова ва Малика Раҳимовалар ҳам бу борада илм даргоҳи нуфузини кўтардилар.

Бундан ташқари, шаҳар ва республика миқёсида ўтказилиб келинаётган ўқувчиларнинг илмий анжуманларида ҳам лицей ўқувчилари муносиб қатнашиб келмоқда. Ўтган йили «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқич вазифалари: табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси» мавзусида бўлиб ўтган иқтидорли ўқувчиларнинг биринчи республика конференциясида Комила Юнусова биология фанидан биринчи ўринни эгаллаб, шахсий компьютер билан мукофотланди, лицейдан яна бир қатнашчи Шамсиддин Низомхўжаев эса Ўзбекистон Фанлар Академиясининг махсус стипендиясига сазовор бўлди. Иқтидорли ўқувчиларнинг бу йилги республика конференциясида ҳам мазкур лицей ўқувчиларидан К.Юнусова иккинчи бор, шунингдек, Б.Солиҳов, Н.Масалбеков, Ш.Долимов, К.Эргашевалар илм даргоҳи шарафини ҳимоя қилишади.

Мазкур лицей жамоасининг 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг биология, кимё, физика кафедралари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўқувчилар билими ва дунёқарашларини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Лицей ўқувчилари ушбу институт тасарруфидаги илмий лабораторияларда мутахассис олимларнинг раҳбарлигида амалий тажрибалар олиб боришмоқда. Бундан таш-қари, ўқувчиларнинг институтнинг бой кутубхонаси, тест маркази ҳамда анатомия музейида тез-тез бўлиб туришлари ҳар томонлама фойдали бўлаяпти.

Нурлан УСМОНОВ,
«Ma`rifat» мухбири

Qonun va fuqaro

Ота-боболаримиз азалдан фарзандларга "Ёмон кўчага кирма" деб насиҳат қилганлар. Ҳозир ҳам шундай. Лекин, минг афсуски, бугун баъзи болалар, айниқса ўсмир ёшидаги йигит-қизлар ана шу ёмон кўча таъсирига тушиб қолишмоқда.

Қўқон шаҳар прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Баҳодиржон Саидов билан бўлган суҳбатимиз ана шу ҳақда кечди.

ДАЙДИЛИК ЖИРКАНЧ ҲАЁТНИНГ БОШЛАНИШИДИР

— Қўқон Республикамиздаги энг гавжум шаҳарлардан бири эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ерга келиб-кетувчиларнинг ўзи минглаб кишиларни ташкил этади. Улар орасида дайдиб юрувчи болалар, ўсмирлар ҳам топилади. Шаҳарда вояга етмаганлар билан ишлаш қай аҳволда?

—Тўғри, Қўқон қадимдан катта бозорлари, хушмуомала одамлари билан машҳур. Лекин шаҳарга турли жойлардан келиб, дайдиб юрувчилар кўп бўлиб, улар орасида болалар ҳам учраб туради. Ана шундай болаларни ушлаб, шахсини аниқлаш ва тегишли жойларга юбориш ишлари билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази шуғулланиб келади.

У шаҳар, туман ички ишлар идоралари, ҳокимият ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, маҳалла қўмиталари ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Афсуски, марказга олиб келинаётган вояга етмаганлар орасида нафақат Қўқон шаҳри, балки вилоят, водий, Республикамизнинг бошқа шаҳар-қишлоқларидан ва ҳатто қўшни мамлакатлардан келиб қолганлар ҳам бор. Шу йилнинг январь-февраль ойларида Марказга келтирилганларнинг сони 55 нафарни ташкил этган бўлса, уларнинг аксарияти бошқа вилоят, шаҳар, туманлардан келиб, дайдиб юрган ўсмир йигит ва қизлардир. Шунингдек, уларнинг 4 нафари Россия, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикаларидан келганлиги аниқланди.

Жумладан, 1985 йилда туғилган Илҳом Олимов Андижон вилоятининг Асака шаҳридан келган. Шу шаҳардаги 5-мактабнинг 5-синфигача ўқиган ва кейинчалик ўқишни ташлаб кетган. Ўзининг айтишича, Қўқонга пул ишлаш учун келган. Дастлаб "Отайўл" автобус ҳайдовчиси А.Муллахоновга кассирлик қилиб, унинг уйида, кейинчалик шаҳар деҳқон бозори ётоқхонасида ётиб юрган. Марказ ходимларининг қўлига тушгунча унинг шахси ҳақида ҳеч ким суриштирмаган, энг ачинарлиси ота-онаси Одил ва Арофат Олимовлар фарзандимиз қаерда юрибди, деб қидиришмаган. Илҳомни олиб кетиш учун чақирилган отаси ўғли уйдан ҳеч қандай сабабсиз чиқиб кетганлиги, унинг ҳеч қандай камчилиги йўқлиги ҳақида тушунтириш хати берган. Лоқайдлик, бепарволикни қарангки, ота уйидан сабабсиз чиқиб кетиб, ойлаб уйига келмаган фарзандидан хавотир олмаса.

Ана шундайлардан яна бири — 1987 йилда туғилган Баҳром Бобоёров Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани Узун шаҳарчасидан бўлиб, у шаҳарчанинг вояга етмаганлар билан ишлаш назорати рўйхатида турган. Ҳеч қаерда ўқимайди, ишламайди. 2002 йилнинг 23 ноябрида тоғасига қарашли дўкондан 1 дона чарм курткани ўғирлаб, 75 минг сўмга сотади ва Фарғона вилояти Қиргули туманида яшовчи таниши К.А.нинг уйига келади. Бу ерда ҳам ўша таниши билан бирга ўғирлик содир этади. Икки "дўст" кўчада турган "Тико" автомашинасидан 25 минг сўм пул ва катта қийматга эга бўлган аёллар тақинчоқларини олиб кетишади. Вояга етмаган Б.Бобоёров марказга олиб келиниб, тиббий кўрикдан ўтказилганда, тери-таносил касаллигини юқтирганлиги маълум бўлди. Демак, ҳали вояга етмаган мурғак ёшдаги ўсмир ёмон кўчанинг балчиқларига ботиб улгурган.

Энг ачинарлиси, бундай жирканч кўчаларга кириб қолаётганлар орасида қиз болалар ҳам бор. 1986 йилда Қўқон шаҳрида туғилган А.В. 2-мактабнинг 7-синфига қадар ўқиб, ўқишни ташлаб кетган ва дайдиликни, енгил ҳаётни ўзига касб қилиб олган. У онаси вафот этганлиги, отаси мунтазам спиртли ичимлик истеъмол қилиб юрганлиги сабабли назоратсиз қолган. Вояга етмаган А.В. кўча таъсирида ичкиликка, тамаки чекишга ўрганган. Фоҳишалик кўчасига кириб, тери-таносил касаллигини юқтиргач, даволаниб чиққан. Ҳозирда у Қўқондаги 1-махсус тарбияси оғир қизларнинг касб-ҳунар мактабига жойлаштирилган.

Шу йилнинг 24 январидан 15 февралигача ўтказилган рейдлар давомида шаҳар бозорларида, кўчаларда, кўп қаватли уйларда бесабаб санғиб юрган ўғил ва қиз болалар ушланиб, марказга олиб келинган. Улар орасида Данғара туманидаги 3-мактабнинг 5-синф ўқувчиси М.Э., Қувасой шаҳрилик ҳеч қаерда ўқимайдиган В.Г., Андижон вилояти Андижон тумани 40-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Ф.У., шу вилоятнинг Избоскан тумани 42-мактабнинг 4-синф ўқувчиси О.Ш., Наманган вилояти Ҳаққулобод тумани 42-мактаб 6-синф ўқувчиси Б.К., Поп туманидаги 37-мактаб ўқувчиси Г.У. каби ўсмирлар бор.

—Марказга келтирилган вояга етмаганларнинг кейинги тақдири қандай кечади?

—Уларнинг аксарияти оилаларига қайтарилиб, жойлардаги вояга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссиялар назорати остига олинади. Ота-онаси йўқ ёки тарбияси ўта оғир ўғил болалар Самарқанд шаҳридаги 64-МКҲМ, қиз болалар Қўқон шаҳридаги 1-махсус касб-ҳунар мактабига юборилади. 2003 йилнинг икки ойи давомида ушлаб келтирилганлардан икки нафар қиз ва бир нафар ўғил бола ана шу мактабларга жойланди.

—Сизнингча, ҳали ўн гулидан бири очилмаган бу болаларнинг ёмон йўлларга кириб қолишларига нима сабаб бўлмоқда?

—Оиладаги муҳитнинг ёмонлиги, ота-онанинг ўзаро ноиноқлиги, фарзандлар тарбиясига лоқайдлик натижасида болаларнинг уйидан кўнгли совийди ва бу ҳол уларни кўчадан тарбия излашга мажбур қилади. Кўчадаги тарбия эса ўсмирларни юқорида келтирилган мисолларимиздек ҳолга солади. Вояга етмаганларнинг ўзлари ҳам дайдиб юришларига оилада ота-оналарининг ўзаро жанжаллари, отанинг спиртли ичимликка ружу қўйганлиги ҳамда эр-хотиннинг ажралишини сабаб қилиб кўрсатишади. Қолаверса, маҳалла, мактаб раҳбарлари, қўни-қўшниларнинг лоқайдлиги, бепарволиги ҳам вояга етмаганларнинг ёмон йўлга кириб қолишларига сабаб бўлади. Ота-она фарзандининг қаерда, ким билан юрганини билмаса, суриштирмаса, ўқитувчиси ўқувчиси нега мактабга келмаётганлиги билан қизиқмаса, маҳалла қўмиталари ҳеч қандай ҳужжатсиз, қаровсиз юрган болаларни сўраб-суриштирмаса, албатта болалар кўчага, енгил ҳаётга ўрганади, ёмонлар таъсирига тушади. Дайдилик эса жиноятчилик, жирканч ҳаётнинг бошланишидир.

— Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал, дейишади. Бугунги кунда ёшлар ўртасида мақсадсиз дайдиб юришлар, жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни камайтириш борасида Қўқон шаҳрида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бу борада шаҳардаги барча ўқув юртларида, мактабларда, шаҳар ҳокимлиги, вояга етмаганлар комиссияси, ички ишлар бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими ҳамкорлигида "Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш давр талаби" шиори остида учрашувлар ўтказиб келмоқдамиз.

Бундай учрашувларда ўқувчи ва талабаларга ҳуқуқий тушунчалар берилиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик қандай оқибатларга олиб келиши мисоллар асосида тушунтириб берилмоқда.

Ёш авлодни маънавий етук, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш энг долзарб вазифалардан бири. Шу боис ҳам келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишишларига катта эътибор бериляпти. Чунки, Ватанимиз тақдири, келажаги ўсиб келаётган ёш авлодга, унинг жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ.

Акрамжон ТУРСУНАЛИЕВ суҳбатлашди.

Tobora keng tarqalib borayotgan yangi, noma'lum kasallik SARS bois, Singapurda yana 2 kishi halok bo'ldi va qurbonlar soni 8 kishiga yetdi.

Gadamer Parmenidning quyidagi so'zlarini qayta-qayta eslar edi: «Hattoki yo'q paytingda ham ruhan aniq borsan».

АМЕРИКАЛИКЛАР САДДАМНИНГ САРОЙИГА КИРИБ БОРДИЛАР

АҚШ ҳаво кучлари кеча Саддам Ҳусайн ва Ироқ ҳукумати аъзолари яширинган, дея тахмин этилган Бағдоддаги аҳоли пунктини бомбардимон қилган. Ҳужумлар пайтида ер ости бункерларини йўқ қилишга мўлжалланган 4 та 900 килограммли бомба ташланган. Пентагон ташкилоти эса мазкур ҳужумлар вақтида Саддам Ҳусайн ва унинг яқинлари ўлган бўлиши ҳам мумкин деган фикрни билдирган. Боиси, олинган разведка маълумотларига кўра, кеча Саддам Ҳусайн шу аҳоли пунктида ўз қўмондонлари билан кенгаш ўтказиши керак эди.

Британиянинг «Sky News» телеканали эса Америка аскарлари Тигр дарёсининг ғарбий қирғоғидаги президент саройига кириб борганлигини намойиш этган.

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд Ироқ раҳбарининг тақдири ҳозирча номаълум эканлигини билдирган. «Саддам Ҳусайн тузуми тобора парчаланиб бормоқда. Унинг ўзи эса ё ўлган, ё жароҳатланган ёки кўринмасликка ҳаракат қилаяпти", дея айтган мудофаа вазири.

БУШ ВА БЛЭР УЧРАШУВИ

АҚШ президенти Жорж Буш ва Буюк Британия бош вазири Тони Блэрлар Шимолий Ирландиянинг Белфаст шаҳрида музокара ўтказдилар. Саддам Ҳусайин тузумини йўқ қилиш амалиётларига бошчилик қилаётган бу икки давлат раҳбарлари учрашув чоғида Ироқда олиб борилаётган ҳарбий операциялар ва Ироқ келажаги хусусида фикр алмашдилар.

Музокаралардан аввалроқ эса АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл уруш иттифоқчилар фойдасига ҳал бўлаётганини, урушдан сўнг нима бўлиши ҳақида ўйлаш вақти етганлигини айтган эди. Кўпчилик сиёсатдонлар урушдан сўнг Вашингтон Ироқда тикланиш ишларини олиб бориши кераклигини айтган бўлсалар, Японияннинг «Киодо цусин» агентлиги Ироқ жанубий, марказий, шимолий қисмларга бўлинган ҳолда бошқарилиши ҳақида маълумот тарқатган.

ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ТЎХТАТИЛДИ

Кеча Ироқ телевидениеси кўрсатувлари тўхтаб қолган. Айни бу пайтда эса иттифоқчилар армияси Ироқ телевидениесининг кўрсатувлар узатиш маркази жойлашган ахборот вазирлиги томон ҳаракатланган. Америка танкларининг бу ҳаракатидан аввалроқ Бағдод маркази навбатдаги ҳаво ҳужумларига учраган эди.



Бағдоднинг жанубий шарқидаги «Ар-Рашид» базасига жойлашиб олган республикачилар гвардияси аскарлари ҳам Американинг «Апачи» вертолётлари ҳужумига йўлиққан. Саддам Ҳусайн номидаги Бағдоднинг асосий аэропорти эса иттифоқчилар назоратига ўтган.

НОМАЪЛУМ КАСАЛЛИК ТАРҚАЛИБ БОРМОҚДА

Тобора кенг тарқалиб бораётган янги, номаълум касаллик SARS боис, Сингапурда яна 2 киши ҳалок бўлди ва қурбонлар сони 8 кишига етди, дея хабар беради «Рейтер» агентлиги. Сингапур бош вазири Гох Чок Тонг миллат олдида чиқиш қилар экан, одамларни саросимага тушмасликка чақирган. Касаллик келиб чиққан Хитой давлатида ҳозирга қадар 51 киши ушбу ажал ўлжасига айланган бўлса, уни юқтириб олганлар эса 1300 кишига яқин.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бу номаълум касаллик дунёнинг 32 давлатига тарқалган ва бугун ундан ҳалок бўлганлар сони 1000 кишидан ошиб кетди.

МАКТАБДА ЁНҒИН ЮЗ БЕРДИ

Ёқутистоннинг Вилюйс туманидаги Сидибир қишлоғида жойлашган мактабда юз берган ёнғин туфайли 22 нафар ўқувчи ҳалок бўлган ва 39 киши турли кўринишда жароҳат олган. Эрталаб 1-соат дарслари бошланган вақтда содир бўлган ёнғин, ўтган асрнинг 20-йилларида дарахтдан қурилган 2 қаватли мактабни тезлик билан қуршаб олган. Ёнғин туфайли пайдо бўлган заҳарли газ ўқувчиларнинг ҳалок бўлишларига сабаб бўлган. Қишлоқда ёнғинга қарши кураш хизмати йўқлиги боис, 30 км. узоқликдаги шаҳарчадан ўт ўчириш машинаси кеч етиб келган.

Маълумотларга кўра, ёнғин бошланган вақтда мактабда 111 нафар ўқувчи, 6 нафар педагог ва 3 нафар хизматчи бўлган ва уларнинг аксарияти иккинчи қаватда турган эдилар. Ҳукумат эса марҳумлар оилаларининг ҳар бирларига 100 минг, жабрланганларга эса 50 минг рублдан тавон пули тўлашни режалаштирилди. Мутахассисларнинг фикрича ёнғинга электр ўтказгичлардан нотўғри фойдаланиш сабаб бўлган.



МУЗОКАРАЛАР ҚОЛДИРИЛДИ

Шимолий ва Жанубий Корея давлатлари мудофаа вазирларининг ўтган душанба кунига мўлжалланган учрашувлари қолдирилди, дея хабар беради BBC News. Унга расмий Пхеньяннинг ўз вакилини учрашувга жўнатмаслиги сабаб бўлган. Учрашувда икки давлат алоқаларини кенгайтириш ва ядро қуроли дастурини муҳокама этиш режалаштирилган эди. Пхеньян ўз вазирини юбормаганлигининг сабабини маълум қилмаган бўлсада, лекин Сеулнинг Ироққа ёрдамчи кучлар юбормоқчи эканлигидан норози. Жанубий Корея эса Шимолий Корея масаласини Ироқ усули билан ҳал этмаслик учун АҚШдан ваъда олганидан сўнг, ўз аскарларини Форс кўрфазига юборишга қарор қилган эди. Экспертлар эса нишон «ёвузлик ўчоғи» дея айтилган давлатлар ичида Ироқдан сўнг, Шимолий Кореяга қаратилишини таҳмин этмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Касб-ҳунар коллежлари бошқармаси бош мутахассиси Махамад Тошпўлатовга отаси

Ахмад ота Тошпўлатовнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Millionlar o'yini

ҒАЛАБАЛИ ОДИМЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Бугун Бангкок ва Ал Айн шаҳарларида илк бор ўтказилаётган Осиё Чемпионлар Лигасининг ярим финал баҳслари бўлиб ўтади: «Бек Теро Сасана» — «Пахтакор», «Ал Айн» — «Далян Шайде».

Рақибимиз — Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрининг «Бек Теро Сасана» клуби 1992 йили ташкил қилинган. 2000 ва 2002 йиллар мамлакат чемпиони, 1999 йили кумуш, 1998 йил эса бронза медали совриндори бўлган.

2001 йил Осиё кубок эгалари Кубоги мусобақаларида чорак финалгача етиб келган бўлса, 2002 йил Чемпионлар Кубоги иккинчи босқичида баҳс олиб борган. Чемпионлар Лигаси ярим финали «Бек Теро Сасана» тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир.

«Пахтакор» Таиландга оптимал таркибда жўнаб кетди, дейиш мумкин. Дарвозада Игнатий Нестеров, ҳимояда Гочкули Гочкулиев, Алексей Николаев, Асрор Аликулов, ярим ҳимояда Миржалол Қосимов, Сервер Жепаров, Леонид Кошелев, ҳужумда Зайниддин Тожиев, Бахтиёр Ҳамидуллаев каби етакчи футболчиларнинг борлиги мамлакатимиз чемпионларидан қитъа даражасидаги муваффақиятларни кутиб қолишимизга асос бўлади.

ОЧЛ ярим финали иккинчи жуфтлиги ўйинлари ҳам мухлисларимиз диққат-эътиборида бўлиши табиий. БААнинг етти карра чемпиони «Ал Айн» клубини ўтган йили бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг кашфиёт жамоаси — Сенегал терма жамоасини юксак муваффақиятлар сари бошлаган францияик мураббий — Бруно Метсю майдонга бошлаб тушади. Бош мураббийси Сербия ва Черногориялик Милорад Косанович бўлган Хитойнинг «Далян Шайде» клуби ҳам ўз олдига юксак мақсадларни қўйганлиги аниқ. Чунки Далян шаҳри жамоаси Хитой чемпионатининг охирги тўққизтасининг еттитасида олтин медалга сазовор бўлган.

Бу йилги мавсум Ўзбекистон футбол жамоалари учун муваффақиятли бошланди. «Пахтакор»нинг МДҲ чемпионлари кубогидаги муваффақиятли иштироки, ОЧЛдаги ғалабалари шундай дейишимизга асос бўлади. Ғалабали одимлар Ўзбекистон фахри бўлган «Пахтакор» клуби ҳамда Ёшлар терма жамоамиз томонидан давом эттирилишини барча ишқибозлар истаб қолишади.

Элмурод НИШОНОВ

ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Аввал хабар қилинганидек, Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд ва Ғузор шаҳарларида икки хил ёш тоифаларида футбол мактаб-интернатлари ўқувчиларининг VII минтақавий-ҳудудий мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақа Низомига кўра ҳар бир ёш гуруҳидан биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар VII республика финал мусобақаларида қатнашади.

Муросасиз ва кескин курашлар остидаги Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашувларда ("А" гуруҳи) 1987-88 йилларда туғилганлар ўртасида Наманган ва Фарғона, 1989-90 йилларда туғилганлар ўртасида Фарғона ва Тошкент шаҳри мактаб-интернати жамоалари финалга йўлланма олишди. Шунингдек, катта ёшдагилар ўртасида Сирдарё ва Жиззах, кичик ёшдагилар ўртасида Жиззах ва Тошкент вилояти, "В" гуруҳида катта ёшдагилар ўртасида Самарқанд ва Хоразм, кичик ёшдагилар ўртасида Қашқадарё ва Самарқанд вилояти, "Г" гуруҳида катта ёшдагилар ўртасида Ғузор ва Денов, кичик ёшдагилар ўртасида Шофиркон ва Ромитон футбол мактаб-интернати жамоалари биринчи-иккинчи ўринларни эгаллаб, куз ойларида ўтказиладиган республика биринчилигида қатнашадиган бўлишди.

Ғ. МАННОПОВ

Dunyo olimlari

БИР АСРДАН ЗИЁД УМР КЎРГАН ФАЙЛАСУФ

ГАНС-ГЕОРГ ГАДАМЕР (1900-2002)

Гадамер ўз ҳаёт йўли билан йигирманчи асрни тўла қамраб, янги минг йилликнинг илк йилларини ҳам бошдан кечирди. Бу инсон тарихни ўрганишга улкан ҳисса қўшди. Албатта, тарихни ўрганиш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз эканлиги аён нарса. Лекин, ўтмишга танқидий кўз билан қараб, уни ёритган мутафаккирлар билан баҳслашиш файласуф бўлишнинг ҳал қилувчи шартидир. Гадамер учун фалсафа тарихи фақатгина илмий овунчоқ эмас эди. У фалсафа тарихини ўрганишни фалсафа фанининг муҳим қисми деб биларди.

Гадамер 1900 йил 11 февралда Германиянинг Марбург шаҳрида таваллуд топди. Унинг отаси Бреслау шаҳрида дориворлик химияси бўйича профессор эди. Ана шу шаҳарда Гадамер ўсиб улғайди. У Бреслау, Марбург ва Мюнхен университетларида фалсафа, олмон тили, тарих ва санъат тарихидан дарслар олди.

У Эдмунд Гуссерлнинг маърузаларини иштиёқла эшитиш билан бир қаторда, Пол Натропни, Николай Гартманни ва айниқса Мартин Хайдеггерни ўзининг устозлари деб билди. Унинг докторлик диссертацияси Платон (Афлотун) фалсафаси ҳақида эди. Файласуфликни танлаган Гадамер Марбург, Лейпциг, Франкфурт ва Гейдельберг университетларида фалсафа фанидан дарс берди. 1968 йилда у истеъфога чиқди ва умрининг қолган қисмини Гейдельбергда ўтказди. У файласуф сифатида тенгдошлари ва талабалар билан қизғин баҳслашар эди. Унинг бу одати ҳаётининг сўнгги кунларигача давом этди.

Гадамер ўзининг номини бутун дунёга машҳур қилган «Ҳақиқат ва услуб» китобини ёзганда, ёши олтмишга яқинлашиб қолган эди. Бу асар фалсафий герменевтикага (луғавий маъноси, "тушунтираман" деганидир, унинг муаммолари, фалсафий нуқтаи назардан герменевтика масалаларини талқин этиш, тушуниш ва тушунтириш ҳақида эди. Бизнинг атрофимизни ўраб турган барча воқеалар ва ҳодисаларни англасак-да, «тушуниш»нинг ўзи нима эканлигини билиш қийин. Герменевтиканинг асосларини яратишни бошлаб берган Шлейермахер, Дильтей ва айниқса ёш Хайдеггер томонидан ривожлантирилганнини Гадамер билар ва уларнинг ғояларини давом эттиришга интилганди. Шлейермахер ва Дильтейгача герменевтика Библия китоби матнини оддий матн сифатида талқин этиш усуллари даражасида эди. Шлейермахер герменевтикани теология ва филологиянинг кишанларидан озод қилди. Теология ва филология эса Библияни, умуман матнни қандай тушуниш учун яратилган маълумотномага айлантирганди. Гадамер янги йўлни давом эттирди, аммо Шлейермахер ва Дильтейдан фарқли ўлароқ, уларнинг матнни тушуниб бориш жараёнида муаллифини ҳам тушунмоқ даркор, деган талабини йўққа чиқарди. Гадамер, Гуссерл ва Хайдеггер каби матнни иборалар ва шахсий таассуротлар тевараги эмас, балки чуқур ва кенг тушунди.

Гадамернинг қатъий ишончига кўра, матнлар бизга ҳақиқатни излашни кўзлагандан кўра кўпроқ нарсани билдиришлари керак. Тил шахс руҳияти ёки ҳаётий машмашаларининг оддий инъикосининг намоён бўлиш воситаси эмас. Тил шахснинг субъектив кечинмаларини эмас, балки улардан чуқурроқ жойлашган фикрлар оламини акс эттирмоғи керак. Айтилган фикрни тушуниш, талаб қилинган ва инсонни ўзига жалб этиб турган ҳақиқатни тушуниш деган муаммони жиддий асосга қўйиш демакдир. Ҳар ҳолда, матн фақат ички зиддиятлардан озод бўлса ва унинг қисмлари бир-бирлари билан тўғри жойлаштирилган бўлсагина у ҳақиқатни ифода этади.

Демак, матнни тушунишга интилиш унинг тўла маъносини илғаб олишга интилишдир. Нотўлалик ҳисси маълум даражада бир томонламаликларга олиб келади. Бундай ҳолат эса бизни матнларни талқин этишда хато ва зиддиятли йўлдан боришга ундайди.

Гадамер, биз доим, хулосаларга келамиз ва бу хулосаларда оламнинг моҳияти нимадан иборат, қандай йўлдан борсак маъною мазмунли иш қилган бўламиз, қайси йўл бизни ижобий натижаларга олиб келади деймиз ва бунинг учун бошқа сўзлар орқали ўз фикримизни шакллантирамиз, дейди. Биз ўз фикрларимиз асосида ўзимизнинг шахсий тажрибамизни талқин қиламиз, олам тўғрисидаги ва оламдаги фикризкримизни баён этамиз. Гадамер ҳар ҳолда, биладики, бизнинг шахсий тажрибамиз лингвистик тилшуносликнинг бир бўлими моҳиятига эга ва шу йўла матнга жойлаштирилиши мумкин. Шу тарзда матн ўз талабларини шакллантиради ва ўринли ҳамда асосли саволларни олға суради. Уларга жавоб ҳам беради. Шундан сўнг биз матнни тушунишга ҳаракат қиламиз, яъни, жиддий равишда уни ҳақиқий ўрганамиз, бунинг учун эса саволлар қўямиз, матнга суяниб, суроқларни ўртага ташлаймиз, берилган жавоблар тўғрисида баҳслашамиз.

Узоқ асрларга тегишли матнларни талқин қилишда айниқса жиддий қийинчиликлар юзага келади. Бизнинг ўз тарихимиз талқини матндаги қийинчиликка нисбатан анча кўпроқдир. Аммо, бу иккала қийинчилик битта десак бўлади, чунки улар ўзаро боғлиқдир. Ана шундай «умумийлик» матнни тушуниш имконини беради. Гадамердан бошлаб бу икки тур вазиятнинг бир-бирига қўшилиши мумкин, дейилди. Аммо, шу нарсани ёддан чиқармаслик керакки, шу асосида иккала матн тўғрисида узил-кесил талқин берилди, деб бўлмайди.

Улим Гадамерни бизга аниқлаб берган йўлидан узиб олиб кетди. Гадамер Парменидннинг қуйидаги сўзларини қайта-қайта эслар эди: «ҳаттоки йўқ пайтингда ҳам руҳан аниқ борсан». Бу сўзлар билан у олам, биз кўриб турган борлиқ ўткинчи эканлигини, ўлим эса бизнинг муҳим қисмимиз эканлигини тан оларди.

Гадамер 2002 йилнинг 13 мартида Гейделбергдаги касалхонада вафот этди. У қатор университетларнинг фахрий доктори, кўплаб мукофотлар ва орденлар совриндори эди. Гейделберг университетининг фалсафа кафедрасига унинг номи берилди.

«Philosophy Now» журналидан профессор Қ.ХОНАЗАРОВ таржимаси.

"ЯШИЛ ЧИРОҚ"

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 106-мактабда туман миқёсидаги «Яшил чироқ — 2003» танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Танловга пойтахтимизнинг давлат автомобиль назорати ходимлари ҳакамлик қилдилар. 8-сонли болалар шифохонаси ҳамшираси А.Ғофурова эса тасодифий ҳодисалар юз берганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш шартлари ва йўл-йўриқларини уқтириб, ўқувчиларнинг кўргазмали чиқишларидаги йўл қўйган хато ва камчиликларига алоҳида тўхталди. Тумандаги 36 та мактаб ўқувчилари орасида бўлиб ўтган қизғин беллашувлар натижасида 203-мактаб жамоаси ғолиблиқни қўлга киритиб, республика чемпионатига йўлланма олдилар.

Ўқувчилар томонидан тайёрланган йўл ҳаракатига оид юздан ортиқ рисолалар «Яшил чироқ» кўргазмалар залига топширилди. Тадбир сўнгида иштирокчилар 15 майда бўлиб ўтадиган шаҳар биринчилигига тайёргарлик юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Азиз НОРҚУЛОВ

МИСРЛИК ДИПЛОМАТ ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Tashrif

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабалари ва ўқитувчи-профессорлари Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот шўъбаси бошлиғи Муҳаммад Ас-Саййид Ал-Қутейший билан «Миср ОАВ сўнгги 20 йил ичида қўлга киритган ютуқлар ва бу ютуқларни таъминлаган инфраструктуралар» мавзусида маъруза-ўтказдилик меҳ-культет Қ.Эрназаров ҳамроҳлигида бу ўқув масканининг замонавий техника ва технология билан жиҳозланган студия, ишлаб чиқариш лабораторияларини кўздан кечирар экан, ўқув юртлари моддий-техник базаларини мустаҳкамлашга қанчалик эътибор берилаётганига гувоҳ бўлди, факультет жамоасига олдида турган мақсадлари йўлида улкан муваффақиятлар тилади.

Назокат ХОЛМЕТОВА «Маърифат» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2003 йилда ажратилиши режалаштирилган маблағлар доирасида ўтказилган тендер савдоларида қуйидаги корхоналар ғолиб деб топилди:

Ўқувчилар столи ва 2 та стули (комплект) бўйича:

"Мустақиллик 2001" МЧЖ
"Жаҳонгир" МЧЖ
"Истиқлол Адир — Савдо" ХФ
"Равшанов" ХТ
"Наманган мебел"ХЖ
"Файз — Барака" МЧЖ
"Мактаб — Мебел" ҚК
"Азия — Промин" ҚК
"Промин — Барака" ҚК

Ўқитувчи столи бўйича:

"Наманганмебел" ХЖ
"Эл — Пласт" МЧЖ
"Азия — Промин" ҚК

Синф доскаси бўйича:

"Стеклопластик" ОТХЖ
"Азия — Промин" ҚК

Ўқитувчи стули бўйича:

"Наманганмебел" ХЖ
"Мебел" ОХЖ
"Эл — Пласт" МЧЖ

Болалар (боғчалар учун) кийим жавони бўйича:

"Ористона" ХИЧТФ
"Жаҳонгир" МЧЖ
"Наманганмебел" ХЖ

Болалар столи ва 4 та стули (боғчалар учун) бўйича:

"Наманганмебел" ХЖ
"Ористона" ХИЧТФ

Тендер комиссияси

Qaerdaki isrofga yo'l qo'yilmasa, har bir narsa o'rni-o'rnida, me'yorida ishlatilsa, hech bir narsa uvol bo'lmasa, demak, baraka ham o'sha erda bo'ladi.

Ko'cha-ko'yda ba'zida shunday odamlarni uchratasanki, beixtiyor hali so'zlashmasdan turib kayfiyating goh u, goh bu tomonga o'zgarib ketadi. Shundaylar borki, ularning yuzlaridagi samimiyat, muloyim kulgu, chiroyli qarashlar mum qotgan tillargada "jon ato" etib yuboradi.

Ko'ngil bitiklari

ШЕЪР — КЎНГИЛ ТУҲФАСИ

Кўнгилда жўш урган нозик ҳис-туйғуларнинг нафис ифодаси ўқувчи юрагида эзгуликка умид уйғотади. Бу шуур ёғдуси дилларни мунаввар ва нурафшон этади.

Назира Ўроқованинг содда ва равон битилган ашъорларида меҳр-оқибат, соғинч, ёшликнинг олис хотиралари самимий оҳангларда ўз ифодасини топган.

У Қарши шаҳридаги Улуғбек номидаги мактабда ёш авлодга таҳсил бериш билан бирга бадиий ижод билан ҳам мунтазам шуғулланиб келади. "Муаттар дунё" номли китобчаси ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Назирага бу машаққатли йўлда омад ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

Исмоил ТЎХТАМИШЕВ

***

Аста-аста босиб қадамлар,
Мен қалбинга бораман кириб,
Юзларингни ювади намлар,
Ғуборларинг кетади эриб.

Кўнгил боғинг мисоли жаннат,
Унда ғамдан бўлмайди дарак.
Юз очади орзулар қат-қат,
Кўз-кўз қилар жамолинг фалак.

Ёнмагаймиз рашкда, гумонда,
Бу ҳислардан олис кетамиз.
Биздан бахтли бўлмас жаҳонда,
Висолларга албат етамиз.

Боғларингнинг бўлгум баҳори,
Дуч келмайин ғазаб, қаҳринга,
Тўкилмасин гуллар оҳори,
Сингиб кетгум оташ бағрингга.

***

Она Сизсиз уйларимиз бўшаб қолди,
Ҳувиллаган ҳаробага ўхшаб қолди.
Ўз-ўзидан тарк айлади нафосатлар,
Юракларга ваҳима, гоҳ қўрқув солди.

Садо берди олислардан мунгли наво,
Юракларни эзар ҳар он мудҳиш жафо,
Айрилиқнинг дардларига чидолмай то
Йўлингизга қарай-қарай кўзлар толди.

Бир умрга ўчгандайин дил чироғи,
Дилни эзар соғинчларнинг ўй, фироғи,
Назиранинг ёшга тўлди кўз қароғи,
Надоматлар ўз бағрига мангу олди.

Назира ЎРОҚОВА,
ўқитувчи

ҚУ ҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

БАХТГА ЕТАКЛОВЧИ КАЙФИЯТ

Fikr

Инсон-инсон билан тирик — бу жуда кўҳна ҳақиқат. Лекин ҳар одамнинг ўзи бир дунё, худди дарахт япроқларига ўхшаб, бир-бирини қайтармайди, тақдири, қайғуси, ташвиши ўзгача. Кўча-кўйда баъзида шундай одамларни учратасанки, беихтиёр ҳали сўзлашмасдан туриб кайфиятинг гоҳ у, гоҳ бу томонга ўзгариб кетади. Шундайлар борки, уларнинг юзларидаги самимият, мулойим кулгу, чиройли қарашлар мум қотган тилларгада "жон ато" этиб юборади. Гапирмасаларда руҳингда тетиклик сезасан.

"Жилмайишни билмайсизми? Жилмайиш учун нима қилиш керак? Дастлаб ўзингизни жилмайишга мажбур қилинг. Агар ёнингизда ҳеч ким бўлмаса, ҳуштак чалиб ёки минғирлаб бирорта куйни хиргойи этинг" (Дейл Карнеги). Албатта, бу энг қийин вазиятдан чиқиб кетишингизга имкон туғдиради. Ва бу атрофдагиларнинг миясида олижаноб, омилкор, гўзал инсоннинг портрети чизилиб қолишига замин яратади. Киши ҳеч қачон қиладиган ишига бепарво муносабатда бўлиши керак эмас. Фикр қилинг, бош қотиринг, аммо (ҳеч қачон) хушчақчақликни йўқотманг. Ўзингизни худди бахтли одамдек ҳис қилишга ҳаракат қилинг ва бу сизда аъло кайфият ҳосил қилишга ёрдам беради. Бу ҳақда Гарвард университети профессори У.Жеймс шундай ёзади:

"Ҳулқ-атвор кайфият натижаси деб ҳисобланади, лекин улар ажралмасдир. Биз иродамиз, ҳулқ-атворимизни бошқарар эканмиз, бевосита иродамизга бўйсунувчи кайфиятимизни ҳам бошқарамиз. Шундай экан, бузилган кайфият ўрнига ирода зўри билан кайфият ҳосил қилиб, ўзимизни тутиб, яхши иш бўлгандай ҳаракат қилмоғимиз лозим".

Киши вазиятдан чиқиб кетишни истамас экан, руҳий изтироблар, салбий ахборотлар кўнглимизнинг нозик деворидан сизиб ўтиб, тушкунлик, ҳорғинлик устун келади. Бу ишда, уйда, кўча-кўйда бизни тарк этишни истамайди. Ва одам борабора халқ тили билан айтганда "ўзини ўзи еб" боради.

Халқимизда қадимдан кишининг ҳулқи, одобига баҳо беришда юз-қиёфага алоҳида эътибор берилган. Ҳатто қиёфа илми билан шуғулланишган ҳам. Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В) ҳадисларида: "Утлуб ул-хойра мен ҳисон ил-вужуҳ", яъни "Сизлар яхшиликни чиройли юзли кишилардан кутинглар" дейилади.

Ҳақиқатдан, чиройли, очиқ юзли кишиларнинг қалби ҳам чиройли, гўзал бўлади, бошқаларга меҳру оқибатли бўлиб доимо кулиб туради, дунёнинг ортиғи-камига ғам чекмайди.

Бир фозилдан: "Қайси фазилат энг яхши фазилат саналади?" — деб сўрадилар.

Фозил: "Кулар юзли, ширин сўзли, хушмуомала бўлиш", — деб жавоб беради. Зеро, очиқ юзли, хушхулқ, хушмуомала одам андиша ва фаросат эгаси бўлади. Бу гўзал сифатларга эга бўлган одам билан ҳамсуҳбат бўлиш ёмон хулқли, қўрс бир олим билан ҳамсуҳбат бўлишдан яхшироқдир.

Акмал ИКРОМОВ

Xullas...

ТАТИМАГАН САЁҲАТ

Канадалик Энтон Попсуйшап бойиб кетиш ниятида дунё бўйлаб саёҳатга чиқмоқчи бўлди.

Унинг биринчи пункти — Жанубий Африка Республикаси бўлиб, кейин Угандага йўл олди. Бу ердаги Кабарега ва Рувензори миллий истироҳат боғлари унга жуда ёқиб тушди. Айниқса, Виктория кўлини айтмайсизми? Фақат турли-туман тропик ҳашаротлар саёҳатчига тинчлик бермасди. Оттавада эса у ўзини бир қадар ёмон сеза бошлади. Ланжлик, уйқусизлик, бунинг устига кўриш қобилиятининг ёмонлашуви, қисқаси, бир талай салбий ҳолатлар. Ҳаммаси Угандадаги чивинларнинг Энтонни чақиб ташлашидан бошланди.

Бойлик орттиришни дилига тугиб, соғлигини йўқотган канадалик бу жанобнинг ақли энди кирди, аммо кеч... Шу ўринда ота-боболаримиздан қолган "Ўзга юртда шоҳ бўлгунча ўз юртингда гадо бўлгин" деган ҳаққоний мақол эсга тушади.

АҲМОҚНИНГ АҲМОҚОНА ШИКОЯТИ

Руминиялик Виктор Додойдаги қаттиқ стресс ҳолати уни ўз жонига қасд қилишга ундади. Бундай ўлим дунё микёсида кўп кузатилади.

Шундай қилиб, Виктор арқонни бўйнидан бойлаб, унинг учини уй ичидан ўтказилган иссиқлик трубасига ўради. Орадан кўп ўтмай, Викторнинг ҳаётига нуқта қўйилиши керак эди. Лекин "бахтга қарши", арқон узилиб кетдию, унинг жони омон қолди. Бунга Руминия тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган, сифати паст арқонлар сабабчи эди.

Ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган Викторнинг бўйнида шиш ва кўкимтир доғлар кўринарди. У ўзининг қарорини батамом унутиб, матлуботчилар жамиятига мурожаат қилди: "Бундай сифатсиз арқонлар кимга керак? Мен энди уларни судга бераман".

Эҳтимол арқоннинг сифатсиз тайёрлангани ҳам маъқулдир. Акс ҳолда Виктор нариги дунёга равона бўларди. Аҳмоқ бўлмаса, Виктор шикоят қилмаган, энг аввало, бандаликни бажо келтиришнинг бу шартини танламаган ҳам бўларди.

БЕШИКДАН ҚАБРГАЧА ИЛМ ЎРГАН

Татаристон — Америка минтақавий институтининг энг ёши улуғ талабаси 74 ёшда бўлиб, араб тили факультетида ўқийди. Институтда 54, 64, 67, 68 ёшли талабалар ҳам бор. Улар иккинчи мутахассислик бўйича таҳсил олишмоқда. Уч йилдан сўнг қари бува, бувиларга диплом ҳам берилади. Қари талабалардан яхшигина ўқитувчи чиқади, улар ҳаётий тажрибага ҳам бой кишилардир, деб хабар беради Қозонда чиқадиган газеталардан бири.

ana shunaqa gaplar

ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

БАРАКА ҲАҚИДА БИЛАМИЗМИ?

Халқимизда "баракасини берсин, баракали бўлди, қут-барака олиб келсин" деган гаплар бор. Биз кўп-да тушунавермай ёхуд ҳуда-беҳуда ишлатиб юборадиган сўзлардан бири ҳам баракадир. Дейлик кўпчилигимиз ҳозир Санамагин, баракаси учади. Баракасини йўқотиб нима қиласан" деб гапирамиз.

Хўш бараканинг ўзи нима, нега бу сўз тилимизга бот-бот келаверади? Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati ("Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001 й.)нинг 28-бетида баракага шундай таъриф берилган: "Барака — Оллоҳ томонидан инсониятга берилган инъом-эҳсон, неъматнинг бахш этилиши. Яратганнинг ўзи барака ато этсин.

Сербарака- сермаҳсул, маҳсулдор, баракаси кўп, баракали. Сербарака ҳосил.

Баракали — Баракаси бор, маҳсули, унуми яхши. Деҳқончилик баракали бўлди.

2.Самарали, натижали, Баракали иш.

Демак, барака инъом-эҳсон, самара, яхши натижа. Бой-бадавлатлилик белгиси. Яхшилик белгиси.

Fikr

Барака ҳақида, қут-баракали, ҳаёти давомида бирор марта қийналмаган одамлар тўғрисида кўплаб ривоятлар, ҳикоятлар бор. Биз ҳатто мана шундай кишиларга дуч ҳам келганмиз.

Мен бир киши билан худди шу масалада суҳбатлашиб қолдим. У киши бараканинг асоси ҳалолликда, меҳнатсеварликда, бировнинг ҳақига хиёнат қилмасликда, дея жавоб қайтарди. Яна кимдир барака тежамкорликда, ҳамма нарсани расамади билан ишлатишда, уволдан қўрқишда деди. Кимлардир барака эркакларда бўлади, улар топган пул ҳам, улар қилган ишлар ҳам баракали бўлади. Аёллар баракасизроқ, дея баҳсга қўшилди.

Ибратли воқеалар сўзлаб беришди. Мана бир келинчакнинг ҳикояси.

— У пайтда турмушга чиқмаган эдим. Бир куни холамларникига бордим. Уларникида усталар ишлаётган экан. Келинларига ёрдам бериш ниятида гуруч ювишни бошладим. Гуруч юваётганимда бир неча гуруч доналари ерга тўкилиб кетди. Парво қилмадим. Бир-икки дона билан камайиб қолармиди? Нимадир юмуш билан ёнимдан ўтаётган холам "гуручларни териб ол. Билмайсанку барака қайси биридалигини. Яна гуручнинг баракаси тўкилиб кетган бўлмасин" дедилар. Мен бундан жуда ҳам таажжубландим. Холамнинг ҳар ишдаги тежамкорлиги, ҳатто кўк чой шамасини ҳам увол қилмасдан мол ёки қўйнинг кунжара ёки емига қўшиб беришларини кўрганимда, холамни зиқналикда айбларганим эсимга тушиб, уялиб кетдим. Шу воқеадан кейин холамнинг уйида ҳамма нарса тўкин-сочинлиги сабабини билгандек бўлдим.

Кексаларимиз ҳар нарсанинг уволи бор деб бежиз айтишмас эканда, деган хулосага келдим. Қаердаки исрофга йўл қўйилмаса, ҳар бир нарса ўрни-ўрнида, меъёрида ишлатилса, ҳеч бир нарса увол бўлмаса, демак, барака ҳам ўша ерда бўлади. Лекин юқоридаги гапимиздан сўнг яна бир савол тугилади. Агар барака тежамкорликда бўлса, нега унда ҳар бир ёқилган гурурт чўпини ҳам ҳисобга оладиган баъзи бир оилаларда қут-барака йўқ? Уларнинг топгани кўп нарсага етмайди?

Бир қариндошимиз тўғрисида бизнинг оиладагилар бувам, бувим, ота-онам "ҳа у кишининг отасидан тилла қолган-да" дея гапиришади. Қариндошимиз жуда бой-бадавлат, уй-жойлари рисоладагидек, унинг ўзини тутиши, кийиниши ҳам бойваччалигини билдириб туради. Бир куни ана шу қариндошимизникига боргандик, гап айланиб барака мавзусига тақалди. У киши барака ҳақида кўп гапирди-да, "барака ҳалол меҳнатда, тинчлик-тотувликда, — деди. Мана шу ёшга етиб бола-чақа ўстириб, уларни уйлаб-жойлаган бўлсам ҳам Оллоҳга шукр бирор марта қийналмадим. Ҳалол меҳнатим, оиламдаги тотувлик туфайли худо менинг ҳам, ўғилларимнинг ҳам топган-тутганига барака беряпти". Шунда мен "тоға, сизнинг пул-мулдан ҳам, бошқа нарсадан ҳам қийналмасдан яшашингиз сабаби фақат ҳалол меҳнат эмас шекилли, айтишларича отангиздан кўп тилла танга қолган экан" дедим. Тоғам кулиб юборди-да "Йўқ, тилла қолмаган. Лекин тиллога тенг йўл-йўриқлар, маслаҳатлар, дуо қолган. Менимча, кўпчилик топган-тутганимнинг баракали эканлиги учун шундай деб ўйласа керак. Биласанми, агар оилада жанжал бўлмаса, эр-хотин бир-бирига ишонса, турмушга ёлғон, хиёнат аралашмаса барака ўзи топиб келади уйингни. Айтишадику бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака қочади", -деб жавоб қайтарди.

Қут-барака оилани тарк этмаслиги учун оиладаги тинчлик, эр-хотиннинг бўлар-бўлмасга жанжаллашмаслиги, фарзандларига ҳалол ризқ едириши ҳам керак эканда.

Халқимизда "кўпнинг дуоси кўл" деган нақл юради. Яна бир англаган ҳақиқатим шу бўлдики, кўпчиликнинг ҳожатини чиқариб, бева-бечораларнинг дуосини олиб юриш ҳам кишининг умрига умр, ризқига ризқ қўшар экан. Умрнинг узоқ бўлиши ҳам, ризқнинг бутунлиги ҳам барака эмасми аслида?

Баракали умр кўриш, баракали ижод қилиш, баракали ризқ топиб ейиш барчамизга насиб этсин.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

ЙЎЛДАН ТОПИЛГАН ПУЛ

Voqeiy hikoya

Мактабдан чиқиб бекатга йўл олдим. Троллейбус келиб тўхтади. Кундуз куни бўлгани учун одам сийрак. Бўш ўриндиққа ўтириб, кўзларимни юмиб олдим. Қулоғимга она-боланинг суҳбати чалинди.

—Ойижон, қаранг, ўриндиқдан пул топиб олдим. 200 сўм экан.

— Яхши, — деди онаси.

— Бу пулга-чи, мен компьютер ўйнашга бораман, майлими?

— Майли, ҳозирдан компьютерга қизиқадиган ўғлимдан айланай...

Кўз ўнгимда ўтмиш жонланади.

1966 йил эди. Қишки таътил вақти. Қиш забтига олган. Кунлар совуқ. Азонда ширин уйқуда ётсам:

— Турақол, қизим, тонг отди, — дея онам уйғотди.

— Ойижон, бирпас ухлай, ҳозир таътил-ку, — дедим эринчоқлик билан ва яна кўзларимни юмиб олдим.

— Синглингнинг сути тугаб қолибди, қизим. Чақарга бориб сут олиб кел, мен унга овқат пиширишим керак. Турақол, тағин сут тугаб қолмасин.

Ноилож ўрнимдан туриб, юз-қўлларимни ювдим.

— Кун совуқ, иссиқроқ кийиниб ол, — деди онам.

Онамдан пул ва сут идишни олиб йўлга тушдим.

— Эҳтиёт бўлиб юргин, йўллар сирпанчиқ, — тайинлади онам.

Уйимиз Чуқуркўприк маҳалласида эди. Чақаргача бўлган йўлни сирпана-сирпана босиб ўтдим. Эрта саҳар бўлгани сабабли кўчаларда одам сийрак. Кўлларим совуқдан қотиб қолди. Уч литрли идишда сут олиб, изимга қайта бошладим. Шу маҳал йўл чеккасида қор устида ётган бир даста пулга кўзим тушди. Хурсанд бўлиб пулни ердан олдим. Ҳаяжоним ичимга сиғмай уйга шошилдим. Совуқнинг қаҳри ҳам, қўлларимга санчилаётган игначалар ҳам сезилмас, фақат илдамлардим. Ўзимча онамнинг "жуда яхши иш қилибсан, қизим", деб мени бағирларига босаётган, пулларни қайта-қайта санаётган ҳолини тасаввур қилавераман.

Уйимизга етиб келдиму:

— Ойижон, ойижон, — деганча ҳовлиқиб тандирхонага кирдим. Онам тандирдан нон узаётган эди.

—Ҳа, қизим нима бўлди? Бунча ҳовлиқасан?

—Ойижон, қаранг, мен кўп пул топиб олдим, — деб хурсанд ҳолда кафтимдаги пулларни онамга узатдим.

— Қаердан олдинг?

— Чақардаги чойхонанинг орқа тарафида, ерда ётган экан.

Онам менга қаҳрли боқди. Юрагим шув этиб кетди. Йўл-йўлакай тасаввуримда акс этган онам қиёфасини кўриш ўрнига... Хўрлигим келиб, лабимни тишладим.

— Ҳозироқ топган жойингга олиб бориб ташлаб кел! — деди онам буйруқ оҳангида.

— Йўқ, бормайман, совқотиб кетдим, — дея ўжарлик қилдим.

— Мен сени сут олиб келиш учун юборганман, кўчадан пул топиб келиш учун эмас. Қоларверса, пулини тушириб қолдирган одам излаб қидираётгандир, тез бориб ташлаб кел.

Онамнинг кескин сўзларидан ноилож йўлга тушдим. Томоғимга тиқилиб келаётган йиғини қайтаришга ҳаракат қиламан. Юрган сари йўлим унмас, оёқларим орқага қараб кетаётгандек туюлар, жондан азиз онажонимни ёмон кўриб кетаётганга ўхшардим.

Ниҳоят Чақарга етиб келдим. Бекатга трамвай яқинлашмоқда эди. Ён-атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, пулни ерга ташладиму, тез-тез одимлай бошладим.

— Қизим, ҳой, қизим!

Ўгирилиб орқамга қарадим.

— Пулинг тушиб қолди, — эллик ёшлар чамаси эркак киши менга ташлаган пулимни узатар эди.

— Амакижон, бу пуллар менинки эмас.

— Кўчада сендан бошқа ҳеч ким йўқ-ку. Мен ҳозир трамвайдан тушдим.

—Тўғри, пулни мен ташладим, амаки, боя шу ердан топиб олган эдим, уйга олиб борсам, ойимлар олган жойингга қўйиб кел, деб қайтариб юбордилар.

— Онанг ҳалол, бировнинг ҳақидан кўрқадиган ажойиб инсон экан. Бу пулни чойхоначига бериб қўямиз. Пулни қидириб юрган одамга қайтарди.

Амаки чойхоначига пулни бериб чиқди ва биз бирга йўлимиздан давом этдик. Бу бегона кишининг онам ҳақида айтган илиқ гаплари тасаввуримдаги бояги онам қиёфасини ўзгартириб юборган эди.

Уйга етиб келдим. Оила аъзоларимиз иссиққина танча четида нонуштага ўтиришган эди.

— Вой, асал қизим, дастёр қизим, келақол, совуқ қотдингми, кел. Оёқларингни танчага тиқ, — мижжаларимда қотиб қолган кўз ёшларимни артиб мени бағирларига босди онам.

"Бунчалар меҳрибонсиз, ойижон," ўйлайман мен онамнинг кўксига бош қўйиб. Иссиқ нон, шакар чой қуйиб, мени тез-тез, иссиқ-иссиқ ичишга ундаётган онам кўзимга фариштадек кўринар эди.

Мана 25 йилдан бери қанчадан-қанча ўқувчиларга билим бериб келаман. Ҳар сафар ҳалоллик, ростгўйлик мавзуида дарс ўтганимда ўқувчиларимга бу воқеани қайта-қайта сўзлаб бераман.

Ҳозир ҳам троллейбусда кетар эканман, бу ҳикоя хаёлимда яна жонланди.

Бояги кўхлик аёл, ўғлини ўзгалар ҳақидан, топилган пулни олмасликдан қайтармаганлиги сабабли кўзларимга хунук кўриниб кетди.

Лобар СОДИҚОВА,
Собир Раҳимов туманидаги 46-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси



Хурматли Очил ТОШПЎЛАТОВ!

Сизни муборак 50 ёшингиз билан табриклаймиз. Педагогик фаолиятингизда зафарлар тилаймиз. Жамоамиз ва оилангиз бахтига соғ-омон бўлинг. Фарзандларингиз ва ўқувчиларингиз камолини кўринг.

Фориш туманидаги Абу Али ибн Сино номидаги 33-ўрта мактаб жамоаси ва оила-аъзоларингиз.

Тошкент вилояти Зангиота тумани Назарбек Қ.Ф.Й. Хусусий тадбиркор Тойиров Музаффар Ниғматович номига олинган думалоқ муҳр ва бурчак тамға йўқолганлиги учун БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ИТАЛЬЯНЧА КРОССВОРД

Тузувчи: Салимжон БАДАЛБОЕВ

Маъдан; Ўзбек шоири; Бодомни ...
Қатъият, матонат; Одат, анъана; Грекча ҳарф
Тайёргарлик; Пардоз анжоми
Бировга зарари тегмоқ; Мухтарама
Қонунлар тўплами; Волида
Маст қилувчи ичимлик
Ажрик; Текис; Лаҳза
Қийноқ, азоб; "Шошмақом" мақомларидан бири
Оратор; 365 кун; Лотинча "икки"
Ғаройиб, қизиқ; Эрта тонг
Билим манбаи; Қишки транспорт воситаси
Юз, чеҳра; Янги ой
Дононинг акси; Ғазлама
Малҳам; Араб ҳарфи
Қаҳвахона; Олтин; ...ҳқаҳа
Белги, имо
Муй; Кўк
... тўқмоқ; Инсон аъзоси
Фалак, осмон; оҳ-фиғон
Осуда; осойишта
Ёзма арз; Биринчи нота
Ёвузлик ранги; Жаннатий мева

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-293.
Тиражи 27613. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Ҳусан НИШОНОВ,
Навбатчи: Абдуҳамид МУХТОРОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00